Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

8-йил чиқиши.
23 АВГУСТ 1973 й.
ПАЙШАНБА
№ 197 (2181).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

☆ КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ А. Н. Косигин Руминия Коммунистик партияси Бош секретари, Руминия Социалистик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Ўртоқ Николае Чаушескуга, Руминия Социалистик Республикаси Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ Ион Георге Маурерга телеграмма йўллаб миллий байрам — Руминия фашистлар асоратидан озод қилинганлигининг 29 йиллиги муносабати билан самимий қутладилар.

Телеграммада Руминия Социалистик Республикаси раҳбарлари ва бутун румин халқига социалистик қурилишда, мамлакатни янада тараққий эттиришда янги муваффақиятлар тилаб истак билдирилади.

☆ **Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Аргентина Коммунистик партияси XIV съездига табриги эълон қилинган.**

☆ Кўп йил самарали ишлаганлиги ва «Эски Ангор» каналини қурилишида актив қатнашганлиги учун бир группа қурувчиларга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармони билан «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги механизатори» фахрий унвони берилди.

Шу кунларнинг интервьюси

ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁР

Мактабларда биринчи қўнғироқ жаранглашига бир ҳафта вақт қолди. Шаҳримиз мактабларининг янги ўқув йилига тайёргарлиги, бу ўқув йилининг ўзига хос томонлари ҳақида шаҳар халқ маорифи бўлими мудири Т. Дадашев мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Республикамиз халқ маорифи ходимлари янги ўқув йилини катта тайёргарлик билан кутиб оляптилар. Бу ўқув йили Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 50 йиллиги тантаналари билан бир пайтда ўтади.

Шаҳримиздаги барча мактаблар 15 августдаёқ капитал ва жорий ремонт тугалланганлиги ҳақида рапорт беришди. Асосий эътибор ўқув биноларини қишга тайёрлаш, қозонхоналарни, иситиш системаларини, сув тамъиноти ва канализациянинг нормал ишлашини текширишга қаратилди. Эндиликда, шаҳримиздаги ўқув муассасалари қишнинг синовларига тайёр, деб ишонч билан айта оламиз.

Бу ютуқларда кўпгина қурилиш ташкилотлари ва бизни оталиққа олган электрон техника заводи, «Ўзбексельмаш», «Миконд», асбобсозлик заводлари, «Юлдуз» тикувчилик фирмаси, «Узгидроэнергострой» трести, республика сув хўжалиги министрлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамда корхоналарнинг хизматлари катта бўлди.

Янги ўқув йилининг яна бир ўзига хос томони шундаки, Ўзбекистон пойтахтида биринчи сентябрда яна беш мактаб илк марта ўқувчиларни ўз бағрига олади. Бундан ташқари, янги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби очилади. Чилонзор районидаги 164-мактабда эса, дарслар тўлалигича чет тилларда олиб борилади.

Агар ҳозиргача Тошкентда умумий таълим интернатларигинз мавжуд бўлган бўлса, эндиликда ихтисослашган интернатлар ҳам ташкил этилади. Жумладан, 1-мактаб-интернатда асосий эътибор рус тилини чуқур ўрганишга қаратилади. Бир қатор интернатлар у ёки бу касаллик билан оғриган ва ногирон бўлиб қолган болалар ихтиёрига берилади.

Тошкентда 65 та ишчи-ёшлар мактаби бўлиб, уларда 19 мингга ёш таълим олади. Бу йил уларга алоҳида эътибор берилади. Бундай мактабларда йигит ва қизларнинг муваффақиятли ўқиши кўп жиҳатдан корхоналар ва қурилишларнинг маъмурияти, партия ва комсомол ташкилотлари, уларнинг ўқув юртлари ўқитувчилар состави билан алоқаларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бундай алоқа ёмон ўрнатилган жойда яхши натижа кутиб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг махсус йиғилиши ана шу масалага бағишланди. Унда «Главташкентстрой» 159-трести раҳбарларининг ёш ишчилар ўқувига ёрдам бермаётганлиги ҳақида гап кетди.

Шаҳар ижроия комитети ўз қарорида бундай раҳбарларга кишиларни тарбиялашдек катта масъулиятни яна бир бор эслатиб ўтди. Уларнинг вазифаси ёш ишчиларнинг тўла ва ҳар томонлама тараққиётига яқиндан ёрдам бериш эканлиги таъкидланди. Бундай гапларни «Ташсельмаш» заводининг, «Қизил тонг» тикувчилик фирмасининг, 1-пойафзал фабрикасининг ва бошқа корхоналарнинг маъмурияти, партия ва комсомол ташкилотлари ҳақида ҳам айтиш мумкин.

1973 йилда шаҳар мактабларининг ўқув базаси сезиларли равишда кенгайди. Янгидан 110 ўқув кабинети ва 83 устахона қурилди. Ишлаб турганлари эса, янги жиҳозлар ва асбоб-ускуналар билан тўлатилди. Мактаб ошхоналари ва буфетлари тармоғи ҳам кенгайди.

Кўпгина ота-оналарни янги ўқувчилар формаси қизиқтиради. Тўғрисини айтганда, у ҳозирча етишмаяпти. Мутасадди корхоналар ва савдо ташкилотлари ўқувчиларнинг бу формага талабларини фақат 1975 йилдагина тўла қондирадиган бўлишади.

Яна икки кундан сўнг пионер лагерларида хайрлашув гулханлари ёқилади. Уч ойлик ёзги мавсум мобайнида 300 мингдан ортиқ пионер ва ўқувчи марокли дам олди. Энди уларни мураккаб ўқув жараёни кутади. Бировлар учун у биринчи ўқув йили бўлса, бошқалар учун охирги ўқув йилидир. Аммо ҳамма учун ҳам у тўлалигича самарали бўлиши керак. Ўқув йилини ана шундай самарали қилиш ҳар бир педагогнинг муқаддас бурчидир.

Беш йиллик: ҳал қилувчи йил

МЕҲНАТ ВАХТАСИ

БАЙРАМ ШАРАФИГА

Улуғ Октябрнинг 56 йиллик тантаналарини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб оламиз! Меҳнат Қизил Байроқ орденли 2-ун комбинати ишлаб чиқариш участкаларида Бутуниттифоқ социалистик мусобақа ана шундай шиор асосида олиб бориляпти. Республика Тайёрлаш министрлигига қарашли турдош корхоналар ўртасидаги меҳнат беллашуви якунлари бўйича дастлабки икки квартални мукофотли ўринни эгаллаган коллектив ҳозир ҳам ғайратга-ғайрат қўшиб ишлаётир. Ўтган етти ойда пландан ташқари 2740 минг сўмлик ун ва омухта ем маҳсулотлари буюртмачиларга етказиб берилди. Ишлаб чиқаришни тадбиркорлик билан уюштирган ишчилар ҳозир графикдан уч кун ўзган ҳолда меҳнат қиляпти. Натижада, ўтган даврда кўзда тутилганига қўшимча 8,2 минг тоннага яқин ун, салкам 14 минг тонна омухта-ем маҳсулотлари реализация қилинди.

Коллектив муваффақиятида СССР Олий Советининг депутати, самолётсозлик заводи фрезерчиси А. Девятова ва республикамиз донгдор тўқувчилари издошларининг муносиб ҳиссаси бор. Н. Венонко, А. Грибцова, М. Свитнева, Т. Муркаева каби машъаллар ўз ҳамкасбларига намуна бўляптилар. Кунлик нормаларини 1,5 баравергача етказиб бажараётган бу илғорларнинг барчаси беш йиллик шахсий план топшириқларини 4 йилда бажаришга аҳд қилишган. Бригадалар ўртасидаги беллашувда С. Абдураҳмонов, В. Степанишчев, Н. Фадеева ўртоқлар бошчилик қилаётган коллективларнинг қўллари баланд келмоқда. Шунинг учун ҳам бу илғор коллективлар бир неча бор социалистик мусобақа ғолиби бўлишди.

Комбинат меҳнат аҳли ҳал қилувчи йилда пландан ташқари тўрт миллион сўмлик маҳсулот бериш юзасидан юксак мажбурият олган.

Коммунистик меҳнат зарбдори Шукур Қаҳҳоров 17 йилдан буён бадиий буюмлар фабрикасида тикув дастгоҳларини созловчи слесарь бўлиб ишлайди. Бу ишлаб чиқариш новатори дастгоҳларнинг мунтазам бир меъёрда ишлашини таъминлайди. Коммунист ишчи корхона қошидаги ДОСААФ бошланғич ташкилотининг етакчиси ҳамдир.

СУРАТДА: Ш. Қаҳҳоров.

МУДДАТИДАН ОЛДИН

Узбекистон ССР Бинокорлик материаллари министрлиги корхоналарининг коллективлари маҳсулот реализация қилишнинг саккиз ойлик планини муддатидан олдин бажардилар. Август ойининг охиригача топшириққа қўшимча равишда яна 5 миллион 600 минг сўмлик турли маҳсулот реализация қилинади. Август ойида министрлик корхоналари пландан ташқари маҳсулот реализация қилиш борасида беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили учун зиммаларига олган социалистик мажбуриятни ҳам бажардилар. Пландан ташқари реализация қилиш учун мўлжалланган 5 миллион сўмлик маҳсулот ўрнига 5 миллион 600 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Пландан ташқари шифер, асбоцемент қувурлар, оҳак, дераза ойнаси, линолеум, сопол плиткалар, чўян ванналар, гранитдан ясалган плиталар ва блоклар ишлаб чиқариш бўйича олинган йиллик мажбуриятлар ҳам бажарилди.

Министрлик корхоналарининг коллективлари йил охиригача илгари мажбуриятда мўлжаллаб кўйилган 5 миллион сўмлик маҳсулот ўрнига ҳаммаси бўлиб 7,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишга сўз бердилар.

* * *

Узбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги корхоналарининг коллективлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, маҳсулотни реализация қилиш ҳажми бўйича саккиз ойлик планни муддатидан илгари, 22 августда бажардилар. Топшириқдан ташқари беш миллион сўмлик буюм реализация қилинади.

Андижон, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Тошкент область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети маҳаллий саноат бошқармаларининг корхоналари бу муваффақиятга салмоқли ҳисса қўшдилар. (ЎзТАГ).

Кўчалар чароғон

Шу кунларда электромонтаж ишлари бўйича ихтисослаштирилган ремонт-қурилиш бошқармаси ходимларининг қўли-қўлига тегмайди. Улар янги кўчаларда ёритиш системаларини ўрнатиш, эскиларини ремонт қилиш билан бандлар. Беруний майдонида декоратив ёритгичлар ўрнатилди. Пролетар кўчасини реконструкция қилиш ишлари тугалланди. Бу магистрал йўлни ҳозирги кунда кучли ёритиш системалари чароғон қилиб турибди.

Бугун

ремонт қурилиш бошқармаси тодимлари Богдан Хмельницкий кўчасининг ўнг томонидан Бўржар канали кўпригигача бўлган масофадаги ёритиш системаларини ремонт қилиш ишларини тамомладилар. Кўчанинг иккинчи томонида ҳам реконструкция ишлари бошланди.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съезди Директиваларини бажариш мақсадида СССР Министрлар Совети «Ҳомиладорлик ва туққанлик учун ҳамда касал болаларга қараб туриш учун нафақа билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Шу қарорда ишчи ва хизматчи аёлларга, шу жумладан касаба союзларига аъзо бўлмаган ишчи ва хизматчи аёлларга ҳамда колхоз аъзоси бўлган аёлларга, меҳнат стажи муддатидан қатъий назар, ҳомиладорлик ва туққанлик учун тўла миқдорда нафақа тўлаш назарда тутилади. Ҳомиладорлик ва туққанлик учун отпуска кунларига шу нормага мувофиқ нафақа тўлаш 1973 йил 1 декабрдан жорий этилади.

Белгилаб қўйилдики, 14 ёшга етмаган касал болага қараб туриш учун касаллик варақаси ва нафақа шу бола қараб туришга муҳтож бўлган давр учун, аммо 7 кундан ошмаслик шарти билан берилади. Ёлғиз оналарга, беваларга ва эридан ажралишган аёлларга 7 ёшга тўлмаган касал болаларга қараб туриш учун касаллик варақаси ва нафақа 10 кун муддатгача берилиши мумкин. Касал болаларга қараб туриш учун касаллик варақаси ва нафақа беришнинг мазкур тартиби 1973 йил 1 декабрдан бошлаб мамлакат районлари бўйича навбати билан жорий қилинади.

ҒОЛИБЛАРГА

Шаҳар пассажир транспорти муассасалари коллективлари ўртасида социалистик мусобақа кенг қулоч ёйган.

Яқинда Тошкент шаҳар ижроия комитети, автотранспорт ходимлари ва шоссе йўллари область касаба союз ташкилоти, маҳаллий саноат ишчилари ва коммунал маиший муассасалар область касаба союз ташкилотлари меҳнат мусобақасига якун ясашди.

Биринчи ярим йилликда эришилган кўрсаткичлар бўйича 3 ва 5-автобус парклари, 2-автокомбинат, 3-таксомотор парки ва 4-троллейбус маршрути ҳайдовчилари олдинги ўринларни эгаллашди. Мусобақа ғолибларига пул мукофотлари берилди. Шунингдек, илғорларга бериш учун енгил автомашиналар ажратилди.

МУКОФОТЛАР

Ҳамшаҳарлар, сизлар учун

ҚУЛАЙ ВА ИШОНЧЛИ

Тошкент ломбардини ҳамшаҳарларимиз яхши билишади. У юзлаб кишиларнинг ҳожатини чиқаряпти. Эрта-ю кеч бу ердан одам аримайди. Биров ўз қишки кийимларини сақлашга топширса, бошқа биров қимматбаҳо нарсасини гаровга қўяди.

Тошкент ломбарди 1966 йил январида ташкил қилинган эди. Йилдан-йилга унинг хизматидан фойдаланувчи кишилар кўпайиб борди. Фақат ўтган олти ой мобайнида одамларга 715 минг сўмлик хизмат кўрсатилди. Бу билан 28 минг кишининг ҳожати чиқарилди. Одамлардан 30 мингга яқин ҳар турли қимматбаҳо буюмлар гаровга қабул қилинди.

Ҳар куни бу ерда 8—10 минг сўм ҳожатманд одамларга берилади. Ҳамшаҳарларимиз ломбард фаолиятидан, унинг ишчан ходимларидан мамнун бўлишяпти.

Республика илмий-техника кутубхонасининг чет эл адабиёти бўлими ҳар доим китобхонлар билан гавжум бўлади.

СУРАТДА: китобхонлар қардош социалистик мамлакатлар илмий-техника асарлари билан танишиш мақсадида.

КУН ТАРТИБИДА—ҲУҚУҚ ТАРБИЯСИ

Меҳнаткашлар депутатлари Фрунзе район Советининг сессияси

Бугун

район халқ хўжалигида ҳуқуқ ишларини яхшилаш масаласини муҳокама қилди.

Депутатлар район ижроия комитети раиси З. Н. Абдураҳимов ва район прокурори Л. М. Прокофьеваларнинг докладларини тинглашди. Ишлаб чиқариш коллективларида ҳуқуқ ишларининг йўлга қўйилиш тажрибаси ўртоқлашилди.

УЛУҒ ОЛИМГА ҲАЙКАЛ

Беруний проспектида улуғ энциклопедист олим ва маърифатпарварга ёдгорлик ўрнатиш учун тараддуд кўрилмоқда. Ёдгорлик баланд гранит постаментга ўрнатилган тўрт ярим метрли ҳайкалдан иборат. Уни ҳайкалтарош Мухтор Мусабоев ва архитектор Пўлат Зоҳидовлар яратишган.

Шу кунларда ҳайкал атрофида кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилияпти, гулзорлар барпо этиляпти.

Сентябрнинг бошларида, улуғ олимнинг минг йиллиги кунларида ҳайкал тантанали суратда очилади.

Республика бўйлаб

ХУШХАБАРЛАР

ТЕРМИЗ. Шеробод даштида янги трансформатор подстанцияси ишга туширилди. Бу подстанция Р. Р. Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг қўриқ ерда ташкил этилган экспериментал хўжалигига хизмат кўрсатади. Бу — шу йилнинг ўзида Сурхондарё областининг энергетика хўжалигига қўшилган бешинчи иншоотдир. Булардан иккитаси ҳар бири 25 минг киловольт-ампер қувватга эга бўлган подстанциялар республика жанубидаги энг йирик ирригация янги қурилиши бўлган Аму-Занг машина каналидаги сув қўтариш қурилмалари учун ток беради.

Йил охиригача Шўрчи районидаги «Ленинград» колхозида яна бир подстанцияни ишга туширишга кўзда тутилади. Область энергосозлари шу подстанцияни қуришга киришдилар.

* * *

ШАҲРИХОН (Андижон области). Бу ерда ташкил қилинган техника хизмати кўрсатувчи область станцияси «Жигули» автомобилларини ремонт қила бошлади. Бунинг учун кенг территория ажратилган бўлиб, бу ерда энг янги ускуналар билан таъминланган устахоналар қурилган.

Терим олдидан

Пахта йиғим-терим мавсуми яқинлашмоқда. Бу йил 4 миллион 750 минг тонна «оқ олтин» териб олишимиз лозим. Бу — беш йиллик учинчи, ҳал қилувчи йилининг юксак марраси. Дала ишларининг суръати ва сифати механизатор мавсумни нақадар шай кутиб олишига боғлиқ.

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг навбатдаги маълумотида бундай дейилади: август ойининг ўрталарида республикада 22.050 «зангори кема» шай қилиб қўйилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,9 мингтага кўпдир. Самарқанд области машиналар ремонтини республикада ҳаммадан олдин тугаллади. Бу ерда 2.583 машинанинг ҳаммаси ремонтдан чиқарилди, шу машиналарни пахтазорларга олиб чиқиш учун механизаторларга «пропусклар» берилди. «Ўзсельхозтехника» устахоналарида ремонт қилинадиган агрегатлар учун механик-ҳайдовчилар гарантияланган талонлари, терим чоғида машиналар бенуқсон ишлаши ҳақида гувоҳномалар олишди.

Андижон, Бухоро ва Сирдарё областларида «зангори кема» ремонти тугалланай деб қолди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

▲ **БУХАРЕСТ.** Бу ерда совет «Автоэкспорт» Бутуниттифоқ бирлашмаси ташкил этган кўчма виставка ёпилди.

Бухарест аҳолиси уч кун мобайнида кўчма виставкада совет автомобилсозлиги ютуқлари билан танишишга муяссар бўлди. «Запорожец», «Лада», «Волга М.24» каби енгил автомобилларнинг сўнгги моделлари, шунингдек Кременчуг ва Минск автомобиль заводларининг юк машиналари, мопедлар виставкани келиб кўрувчиларда катта қизиқиш уйготди.

▲ **БУЭНОС-АЙРЕС.** Аргентинада чиқадиган нуфузли «Насьон» газетаси «Аргентинанинг социалистик мамлакатлар билан савдо муносабатлари кенгайтирилишини» ёқлаб чиқди. Газета Совет Иттифоқи билан савдо битими ишлаб чиқишни тезлаштириш ва бу битимларни ҳозирги вазиятга қараб мослаштириш» гоят зарур эканлигини таъкидлаб ўтди.

▲ **ВАРШАВА.** Польшадаги Сопот шаҳрида эстрада қўшиқлари ҳалқаро фестивали — «Сопот-73» очилди. Бу курорт шаҳрининг кўчалари Фестивалда қатнашувчи мамлакатларнинг байроқлари, ёрқин плакатлар, рангли эмблемалар билан безатилган.

Ўтказилиш тартиби анъанавий фестивалардан бир мунча фарқ қилувчи бу фестиваль, энг аввало, овоз ёзиш фирмаларининг мусобақасидир. Сопотдаги бу фестивалда 24 мамлакатнинг 36 овоз ёзиш фирмалари қатнашади. Ҳар бир ижрочи томошабинлар ҳамда жюри ҳузурига ўз мамлакатининг ики қўшиғини ва бир поляка қўшиқни ҳавола этган.

Ҳозирги замон эстрадасининг бу оммавий кўригида Совет Иттифоқидан Бутуниттифоқ «Мелодия» овоз ёзиш студияси қатнашади.

Ғолибларнинг номи шанба куни маълум бўлади.

▲ **АФИНА.** Пападопулос Греция президенти сифатида қасамёд қилганидан сўнг якшанба куни радио ва телевидение орқали гапириб, 1967 йилнинг апрелида юз берган ҳарбий тўнтаришдан сўнг қамалган сиёсий маҳбуслар афв этилажагини эълон қилди. 1968 йилнинг августида Пападопулосга суиқасд қилишга уринганлиги учун ўлим жазосига ҳукм қилинган А. Панагулис ҳам бошқалар қатори озод қиливади.

Аммо маҳаллий ва чет эл шарҳчилари ҳарбий хунтанинг чет элларда муҳожирликда бўлган мухолифлари ҳамда ҳукуматга қарши намойишларда қатнашган ҳарбий хизматчилар ҳам афв этилажагига шубҳа қилмоқдалар.

▲ **БЕРЛИН.** Чехословакия билан Германия Демократик Республикаси ўртасида ҳамкорлик йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Чехословакия фирмалари Ростокда йирик нефть омбори қураётганлиги ана шундай ҳамкорлик мисолларидан биридир.

Нефть омбори Шведт шаҳридаги нефтни қайта ишлаш комбинатида олиб борадиган қувурга бирлаштиради. Нефть омбори Росток портига келадиган танкерлардан олинган нефтни комбинатга узлуксиз етказиб беришни таъминлайди.

▲ ЛОНДОН. Англиянинг 112 ёшга кирган энг кекса фуқароси Алиса Стивенсон вафот этди. У сўнгги умрини Суррей графлигига қарашли Сатон кенсалар уйида кечирди.

У 1861 йил 17 июлда Лондонда туғилган. Стивенсон бутун умри мобайнида Англияда 35 марта ҳокимият алмашганлигининг гувоҳи бўлди.

(ТАСС).

СУРИЯ АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ. Душанба куни ёпилган Дамашқдаги XX Халқаро ярмаркада 47 мамлакат, шу жумладан Совет Иттифоқи ҳам иштирок этди.

СССР павильони — ярмаркадаги энг йирик павильонлардан бири эди. 22 ташқи савдо бирлашмаси тақдим этган ана шу павильондаги экспонатлар совет фани ва техникасининг сўнгги ютуқлари ҳақида, Совет Иттифоқи халқлари кўп миллионли оиласининг ҳаёти ва меҳнати ҳақида ҳикоя қилиб берди. Павильонни миллиондан ортиқ томошабин келиб кўрди.

СУРАТДА: СССР павильонида.

В. Огородникова фотоси.
ТАСС фотохроникаси.



Собиқ мактабдошлар учрашуви

К. Либкнехт номидаги тажриба-намуна иш мактабининг собиқ ўқувчи ва педагоглари учрашув ўтказдилар. Бу учрашув мактабнинг Луначарский қишлоғидаги биноси — ҳозирда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси энергетика ва механика илмий-тадқиқот институти жойлашган бинода ўтказилди. Бу мактаб машҳур педагог В. Ф. Лубенцов томонидан 1918 йилда ташкил этилган бўлиб, 1931 йилгача, 600 дан ортиқ етим-есир болаларни ўз қучоғида тарбиялади. Ёш республикамиз учун юзлаб ўқитувчи ва агроном кадрлар тайёрлаб етиштирди.

Бино деворида мактабнинг биринчи ташкилотчиси, атоқли педагог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи В. Ф. Лубенцов номини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳар партия комитети ва Тошкент шаҳар Советининг қарорига кўра мармар тахта ўрнатилди. Шу муносабат билан бўлган митингни шу мактабнинг собиқ ўқувчиси, Ленин мукофоти лауреати Е. Тўрақулов кириш сўзи билан очди. Митингдан сўнг собиқ ўқувчилар ўз мактаблари тарихи ва ўқитувчилари ҳақида суҳбатлашдилар.

Бугун

собиқ коммунарлар Чорвоқ ГЭСига экскурсия қилдилар.

Учрашув қатнашчилари шу ҳафта ичида республикамиз нинг диққатга сазовор шаҳарларидан Самарқанд ва Бухорога саёҳатга борадилар.

М. МУСАЕВ,
собиқ коммунар, пенсионер ўқитувчи.

●Беш йиллик пешқадамлари

Серташвиш йигит

Қадимий чўллар боғроғлар, гулистонларга айланмоқда. Чўллар бағрида маданият саройлари, болалар боғчалари, мактаблар, баланд-баланд турар жой бинолари қад ростламоқда. Бунга Тошкент ёғочни қайта ишлаш комбинати ишчилари ҳам катта ҳисса қўшяяптилар. Ҳа, ажабланманг, ишчилар Тошкентда туриб, чўл бағрида шаҳарлар бунёд этаётган чўлқуварларни дераза, эшик каби ёғоч маҳсулотлари билан таъминлашмоқда. Комбинат маҳсулотига Мирзачўл, Қорақалпоғистон АССР, Қаршида ҳам талаб кучли.

Комбинат ҳовлисида яқиндагина тайёрланган дераза, эшиклар устма-уст қилиб тахланган. Янги қовуғи тилинган ходаларнинг ҳиди бошни айлантириб юборади. Ўзингни худди Урал бўйи қайнисорларида юргандек ҳис қиласан.

Комбинатда ёшлар кўп. Тошпўлат Пўлатов, Равшан Розиқов, Баҳодир Муродбеков каби ёшларни ҳамкасбларн бу ердан армия сафига кузатиб қолган эдилар. Хизматни тугатишгач, улар яна қадрдон коллективига қайтиб келишди.

Ҳал қилувчи йилнинг етти ойлик планини коллектив муваффақиятли бажарди. Пландан ташқари мингдан ортиқ эшик ва дераза тайёрланиб, истеъмолчиларга жўнатилди. Меҳнат унумдорлиги 7 процентга ошди. Комбинат планга қўшимча 25 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди, фойда олиш эса кўзда тутилганидан 11 минг сўмга кўпайди.

Комбинат цехлари ичида 2-комсомол-ёшлар цехи энг илғор коллективлардан ҳисобланади. Улар доимо ойлик ва квартал планларини ортиғи билан бажаришади. Цех коллективи шу кунларда тўққизинчи беш йиллик ннг тўртинчи йили ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Мастер ишлаб чиқаришда энг асосий фигура. У — командир. Жангнинг муваффақияти командирга боғлиқ бўлганидек, ишлаб чиқаришдаги муваффақиятлар ҳам кўпинча мастернинг одамлар қалбига йўл топа билишига боғлиқ. Тўхтамурод Аҳмаджонов шундай командирлардан. У талабчан устоз ва тарбиячи. Тўхтамурод ўзи ҳақида сўзлашдан олдин ишчилар ва бригадир Григорий Марко ҳақида ҳикоя қилди. Унинг айтишича, бригадир ишчан, тадбиркор, ташкилотчи экан. Ҳа, мастер ҳам, бригадир ҳам ишчиларнинг кўнглига йўл топа билишади. Уларнинг щодлик ва қайғусига шерик бўла олишади. Шунинг учун ҳам иккинчи участка комбинатда доимо пешқадам.

...Тўхтамурод комбинатга дурадгорга шогирд бўлиб ишга кирган эди. У ўзининг меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги билан тез орада кўпчиликнинг назарига тушди. Ҳеч қанча вақт ўтмай, у ҳамкасблари ўртасида қўли гул уста бўлиб танилди. Кечки ишчи-ёшлар мактабида билим олишни ҳам ташламади. Тўхтамурод комбинатда беш йилча ишлаган ҳам эдики, уни Совет Армияси сафига чақиришди. Армияда унинг дурадгорлик касби жуда иш берди. У ҳарбий қурувчи сифатида кўплаб турар жой, маданий-маиший бинолар қурилишида қатнашди. Армия сафидан қайтгач, политехникумда ўқиб, ёғочни қайта ишлаш техник-технолог касбини эгаллади.

Мана, уч йилдирки у комбинатда элликка яқин ишчига бошчилик қилмоқда. Уни комбинатда ҳамма моҳир раҳбар сифатида ҳурмат қилади.

Комбинатга ҳар хил кишилар ишга қабул қилинади. Кимдир, тездагина ишга кўникиб кетади, бошқаси эса аксинча... Баъзан коллективга дангасалар ҳам қўшилиб қолади. Мастер ундайларни ҳайдаш эмас, балки тарбиялашга, яхши ҳунар эгаси қилиб етиштиришга ҳаракат қилади. Ҳасан Раҳимов, Равшан Рашидовлар ишга янги қабул қилинган пайтларида, уларга бир гап кам, иккигап ортиқча эди. Коллективнинг таъсири туфайли улар гўё, қайта туғилишди. Ҳозир энг илғор ишчилар ҳақида гап кетса, албатта, бу икки йигитнинг ижобий фазилатлари, ишчанлиги ҳақида ҳам тўлқинланиб гапиришади.

Мастер Тўхтамурод шундай. У тарбиячи, депутат, коммунист раҳбар.

СУРАТДА: сиз цехнинг ишлаб чиқариш илғорларидан (чапдан ўнгга) дурадгор Б. Муродбеков, Н. Убайдуллаев, мастер Т. Аҳмаджонов, бригадир Г. Марков, дурадгорлар Д .Солиҳов, Т. Тўлагановларни кўриб турибсиз.

А. ГУБАИДУЛЛИН.
автор фотоси.

Техника тараққиёти йўлида

БАРЧА ИШНИ АВТОМАТЛАР БАЖАРАДИ

⊙ ИЛДАМ ОДИМЛАР БИЛАН
⊙ СИФАТИ БУЗИЛМАЙДИ
⊙ ИТТИФОҚДА ИККИНЧИ
⊙ ҚЎЛ МЕҲНАТИГА БАРҲАМ БЕРИЛДИ

Фабрикамизда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барча жараёнлари авваллари қўл кучи билан бажарилар эди. Шунинг учун ҳам ўша вақтларда йил давомида ҳар хил фасондаги тугмаларни тайёрлашни 100 минг донадан ошира олмас эдик. Шунингдек, атиги 2-3 турдаги пойафзал пошналаридан 60 мингтачасини ишлаб чиқаришга қувватимиз етарди, халос.

Ҳозирги вақтда эса маҳсулот тайёрлашнинг барча оғир юмушлари термопласт автоматлар ва гидравлик пресслар ёрдамида бажарилмоқда. Техника тараққиётини таъминлашга қаратилган тадбирларни ҳаётга тадбиқ этиш натижасида маҳсулот тайёрлаш ҳажми салкам икки баравар ошди. Фабрика ташкил этилган дастлабки йилда 100 минг донага яқин ҳар хил тугмачалар тайёрланган бўлса, эндиликда у йилига 220 миллионга етди. Шу даврда пойафзал пошналарини ишлаб чиқариш 23 баравар ўсди.

Шу кунларда фабрикамизда биргина тугмачалардан беш фасондагисн аниқ қўйилмалардан фойдаланилган ҳолда тайёрланмоқда. Корхона бош технологи М. Давидов ва слесарь-асбобсоз Д. Пустовлар таклифи бўйича амалга оширилган бу тадбир натижасида фабрика йилига 25 минг сўм фойда кўряпти. Шунинг учун ҳам бу янгилик ижодкорлари пул мукофоти ва Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Ҳозирги вақтда фабрикада Италиядан келтирилиши мўлжалланаётган автомат линияларни ўрнатишга қизғин ҳозирлик кўриляпти. Бу автомат-линияларнинг афзаллик томони шундан иборатки, уларда тайёрланган тугмалар қийин эскириб, тўзиб кетганга қадар ўз сифатини йўқотмайди. Бу янгилик Иттифоқда иккинчи бўлиб, яъни пластмасса буюмлари «Ленинград» бирлашмасидан кейин бизда амалга оширилади.

Фабрикамизга «Подъёмник» заводи райони территориясидан янги участка ажратилган. Шу кунларда бўлажак фабрикамнинг лойиҳа ва смета ҳужжатлари тайёрланмоқда. Шунинг учун ҳам Италиядан оладиган дастгоҳларни биз вақтинча фабрикамнинг эски биносига жойлаштирамиз. Ҳозир улар учун зарур жойларни тахт қилиб қўйдик.

Техника тараққиётига катта эътибор беришимиз ва бу соҳадаги ҳайрли ишларимиз ҳал қилувчи йил план топшириқларини муваффақиятли бажаришга имкон бермоқда. Биз ўтган етти ойда 652 минг сўмлик кенг истеъмол буюмларини реализация қилдик. Бу белгиланганидан 67 минг сўмлик ортиқдир. Коллективимиз ҳал қилувчи йил программасига қўшимча 60 сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқариб, буюртмачиларни мамнун этиш юзасидан ўз зиммасига юксак мажбурият олган.

Ваъда вафоси билан гўзал. Коллективимиз буни яхши тушунади ва қадрлайди. Шу кунлардаги бутун куч-ғайратимиз ҳал қилувчи йил топшириқларини бажаришга қаратилган. Бу вазифани муваффақиятли адо этишда янги техника воситаларидан оқилона фойдаланиш асосий таянчимиз бўлиб хизмат қилмоқда.

М. СОЛИҲОВ,
Пластмасса буюмлари фабрикасининг бош инженери.

ЖОНАЖОН Ватан бўйлаб

ДОҒИСТОН — ҲИНДИСТОН

МАХАЧҚАЛЪА. (ТАСС). Республика жамоатчилиги вакилларининг йиғилишида Совет — Ҳиндистон маданий алоқалар жамиятининг Доғистон бўлими таъсис этилди. Жамиятнинг коллектив аъзолари орасида М. Гажиев номидаги Махачқалъа машинасозлик заводи, Ленин районидаги «Партия XXII съезди» колхози, В. И. Ленин номидаги Доғистон Давлат университети, фан ва маданиятнинг бир қанча муассасалари бор.

Доғистон университетининг ректори А. А. Абилов бўлим правлениесининг раиси қилиб сайланди.

Ҳамдўстлик самараси

ҚАРДОШ МАМЛАКАТЛАРНИНГ АВТОМАТЛАРИ

Ереван консерва заводи чиқараётган йиллик маҳсулот икки ярим миллион банка кўпайтирилди. Бу заводда Венгрия Халқ Республикасининг машинасозлари юборган ва меваларни консерва қилиб берадиган иш унуми баракали автомат линия ишга туширилди.

Ихтисослаштирилган «Армконсервтрест» корхоналарида социалистик мамлакатлардан олинган техника сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Руминия ва Чехословакиядан келтирилган механизмлар ва автоматлар бу заводларда тобора кўпроқ маҳсулот тайёрлаб бермоқда.

Озиқ-овқат саноатининг корхоналари ҳам тащқи савдо ташкилотлари орқали қардош социалистик мамлакатларга юборилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни бу йил учдан бир ҳиссага яқин кўпайтирдилар. Шу маҳсулотлар орасида арман миллий рецептлари асосида тайёрланаётган ҳар хил экстрактлар, мева ва сабзавот консервалари бор.

(ТАСС мухбири).

Ереван.

ВЬЕТНАМГА БЕТОН ЗАВОДЛАРИ

Славянскдаги қурилиш машиналари заводи Вьетнам Демократик Республикасига бетон заводи учун технологик жиҳозлар тайёрлаб бериш бўйича буюртмалар олди. Бу йирик қурилишлар ва заводлар учун бетон тайёрлаб берадиган қудратли станционар установка бўлади. У ҳар қандай иқлим шароитида ишлай олади, соатига 50 кубометр бетон ишлаб чиқаради.

Бундай конструкциядаги бетон заводлари гидроэлектростанциялар, металлургия корхоналари, химия саноати ва оғир индустриянинг бошқа объектларини қуришда қўл келаяпти.

Вьетнамлик дўстлар Славянскдан бундан тащқари қаттиқ ва юмшоқ бетон қоришмалар тайёрлайдиган автоматлашган завод ҳам олишади. Бундай корхонадан дала шароитида автомагистраллар ва аэродромлар, катта иншоотлар, туннеллар, қишлоқ хўжалик объектлари қурилишларини бетон билан таъминлашда фойдаланиш мумкин.

А. ШКАРБУН,
АПН.

Кишинёвдаги Калинин номли резина-техника буюмлари комбинати биринчи ярим йиллиқда пландан ташқари 405000 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу ўн минглаб метр сунъий чарм ва плашч материаллари, минглаб жуфт турли модел-даги резина пойафзаллардир.

СУРАТДА: комбинат ишчиси Л. Н. Валуйская Давлат «Сифат белгиси» берилган, пойафзал учун мўлжалланган сунъий чармни намойиш қилаяпти.

В. Чайковский фотоси.
(ТАСС).

●Эл хизматида

Қувонарли ютуқлар

5-таксомотор парки маъмурияти ҳайдовчиларнинг яхши ишлаши ва дам олиши учун кўпгина қулайликлар яратиб бермоқда. Бу ерда буфет кеча-ю кундуз ишлаб туради. Овқатлар ҳайдовчи ва хизматчиларнинг талаблари асосида тайёрланади. Кўпчилик палов, лагмон ва кабобни айниқса хуш кўради. Шу сабабли бу овқатларни юқори сифатли қилиб тайёрлашга катта эътибор берилади.

Таксомотор паркининг касаба союз ташкилоти ишчиларнинг туристик сафарларини мунтазам равишда уюштириб турибди. Шу йилнинг ўзида 60 та шофер Волгоградга бориб, тўрт кун давомида яхшигина ҳорғин чиқариб қайтишди. 35 киши Иссиқкўлдаги санаторий ва пансионатларда ором олди. Парк қошида каттагина клуб ва қизил бурчак бор, Дам олувчи шоферлар бу ердан ўзларини қизиқтирувчи турли адабиётларни топа оладилар.

Таксопарининг ремонт устахоналари замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Колонна-лараро, шунингдек, ўзаро социалистик мусобақа авж олдирилган. М. Иноғомов бошлиқ 2. колонна олдинги ўринда бориб, бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

— Шоферларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли ярим йиллик план 22 июлда ортиғи билан — 107,5 процентга бажарилган эди. Етти ойлик план ҳам муддатидан олдин бажарилди. Биргина июль ойининг ўзида даромад 157 минг сўмни ташкил этди, — дейди таксопарк директори А. Бадзин. — Уз имконият ва резерваларни ҳисоблаб чиққан ҳайдовчиларимиз зиммаларига оширилган мажбурият олишди. Улар йиллик планни 20 декабрда бажаришга аҳд қилишди. Шоферларимизнинг деярли ярми коммунистик меҳнат зарбдорларидир. Айниқса, А. Қамбарбеков, М. Норҳолиқов, Ф. Дўстматов, Д. Полунин, М. Чугунов, В. Саган сингари ўнлаб шоферлар ойлик планларини 135—150 процентга бажариб келишмоқда. Булар бизнинг фахримиздир.

Ҳайдовчиларни модий ва маънавий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилган. Планни ортиғи билан бажарган, яхши маданий хизмат кўрсатган шоферларга пул мукофотлари, қўл соати, радиоприёмник ҳамда мақтов ёрлиғи ва бошқа мукофотлар берилади. Ҳар жума куни сиёсий ахборот ўтказилади. Бу ахборотлар ҳайдовчиларнинг сиёсий онгини ўстиришга катта ёрдам бермоқда. Саломатлик посбонлари бўлган врачлар бу ерга тез-тез келиб туришади. Бугунги кунда биринчи таксомотор паркида ишлаётган 970 шофернинг 22 таси олий ва 13 таси ўрта махсус ўқув юртларининг кечки ва сиртқи бўлимларида ўқиб, билимларини оширишяпти.

Аҳолига хизмат кўрсатишни янада яхшилашга ҳаракат қилаётган 1-таксомотор парки коллективи ҳам меҳнатда катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Шикастланган машиналарни ремонт қилиш ишлари бу паркда жуда яхши йўлга қўйилган. Агрегат, механика, профилактория, шиналарни оптик асбоблар ёрдамида текширув сингари ўнта янги цех ишга туширилди. Бу меҳнат унумдорлигини оширишда, тежамкорлик режимини жорий этишда жуда муҳим роль ўйнайди. Таксомотор паркида беш йилликнинг муддатидан олдин бажариш учун ўйлаган социалистик мусобақа қисзитиб юборилган. Қулаҳмедов, Асанов, Усмонов, Григорянц сингари илғор шоферлар сўлик планларини 115—140 процентга етказиб бажармоқдалар. Бу шоферларнинг кўпчилиги 1974—1975 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Таксомотор паркига юрсангиз, бу ернинг озода, шинамлигидан, коллектив эришаётган муваффақиятларидан хурсанд бўласиз, Майдончалар тоза, ойнаден ярқиллаган. Ипга тизилган мунчоқдек қатор турган машиналар ҳар доим хизматингизга тайёр.

К. ЖАББОРОВ.

⊙ МЕҲНАТ СЕМЕСТРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мусобақадошлар ғайрати

Тошкент атир — упа фабрикасининг янги корпусини «Главташкентстрой» 3-қурилиш трестининг 36-қурилиш бошқармаси бинокорлари қуришмоқда.

Объектда ТошДУ, ТошПИ ва Ангрен педагогика институти студентлари меҳнат семестрини ўташяпти. Қурувчи-студентлар ўртасида бошланган ўзаро мусобақада педагогика институти студентлари пешқадамлик қилишяпти. Бу ерда институтнинг математика, рус тили ва адабиёти факультетларидан 120 киши ишлаяпти. Н. М. Нагийев командир бўлган отряднинг 60 аъзоси меҳнат семестрида 36 минг сўмлик қурилиш ишларини бажаришга аҳд қилган. Объектнинг «Таъроремонт» устахонаси бўлимида ишлаётган бу отряд аъзолари кунлик нормаларини ортиқ-риб бажаришяпти. Айниқса, О. Қосимов бошлиқ ғишт теруувчилар ва П. Холбоев саркор бўлган бетончилар бригадаларининг ишлари диққатга сазовордир.

Уларнинг мусобақадошлари бўлган ТошПИ қурилиш факультети студентлари ҳам бўш келишмаяпти. Уктам Машарипов, Абдураҳим Юнусов, Эркин Қаюмовлар кунлик нормаларини 120—130 процентга етказиб бажаришяпти. Объект шу ойнинг охирида қуриб битказилиши лозим. Шунинг учун ҳам студент-қурилиш отрядининг аъзолари фидокорлик билан меҳнат қилишяпти.

М. НОСИРОВ,
шаҳар студент-қурилиш отряди штаби матбуот марказининг мухбири.

Муштарак тадқиқотлар маркази тузилмоқда

Совет Иттифоқининг ёрдами билан Гвинея республикасида муштарак тадқиқотлар олиб бормоқ учун илмий марказ тузилади. Яқинда бу тўғрида Конакрида битим имзоланди.

Гвинеядан қайтиб келган совет делегациясининг бошлиғи — РСФСР Геология министрининг биринчи ўринбосари Б. М. Зубарев ТАСС мухбирига қуйидагиларни айтди:

—Шу битим асосида Гвинеяда океанография ва гелиофизика соҳасида иш олиб борадиган иккита лаборатория тузилиши керак. Шунингдек конструкция материалларини ва буюмларни тропик иқлим шароитида синаб кўриш учун станция ташкил қилиниши керак. Бу станция ва лабораторияларда Совет—Гвинея олимлари бирга ишлайдилар.

Гвинея ҳукумати фанни ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда. Президент Секу Туре совет делегациясининг аъзолари билан суҳбатда мамлакат олдида фан муваффақиятларини эгаллаб олиш вазифаси турибди. Бу эса мамлакатни янада тараққий эттиришнинг, мамлакат иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашнинг гаровидир, деди.

СССР билан Гвинея ўртасида бошқа тармоқларда ҳам амалий алоқалар авж олдирилмоқда. Масалан: Гвинеянинг табиий ресурслари биргаликда ўрганилмоқда. Совет мутахассисларининг ёрдами билан биринчи марта мамлакатнинг нисбатан катта миқёсдаги геология харитаси тузилди. Бу харита геология-қидириш ишларини янада ривожлантирмоқ учун асос бўлади.

Ҳамкорлик сезилари натижалар бермоқда. Кинди районида боксит конн топилди. Совет Иттифоқининг ёрдами билан у ерда мана шу ҳом ашёни қазиб чиқарадиган миллий корхона қурилмоқда. Бу корхона тез орада ишга тушади. Уни ишлатишда совет мутахассислари ёрдам беришади. Маълумки, бу корхона маҳсулотининг бир қисми СССРга юборилиб турады.

Гвинея миллий кадрларини тайёрлашни ташкил этишга катта ҳисса қўшилди. Конакрида ва Канканда СССР ёрдами билан барпо этилган политехника институтларини эслатиб ўтиш кифоя қилади. Бу институтларда кўп йиллардан бери совет ўқитувчилари ишлаб турибдилар.

— Гвинея халқининг совет мамлакатига муҳаббати катта, деди пировардида Б. М. Зубарев. Шунинг учун ҳам бизнинг делегациямиз Гвинеяда дўстлик ва чуқур меҳрибонлик билан қутиб олинди. Сафардан олинган таассуротларни якунлаб шуни айтиш мумкинки Гвинеядаги дўстларимиз Совет Иттифоқини ўз эркинлиги ва мустақиллиги учун курашаётган ва ривожланиб бораётган мамлакатларнинг мустаҳкам таянчи деб биладилар.

Ю. БЕРСЕНЕВ.

Касса бузуқ, линия узуқ

Йўл=йўлакай

—Трамвай қачон келар экан, болам!

—Аварня машинаси кетяяпти, линия узилган бўлса керак отахон!

Чол машинага қараб чуқур нафас олди.

Студентлар шаҳарчасидан қатнаётган 7-трамвай ҳақида бундай савол-жавоблар кўп бўлиб туреди.

13 август куни 1605 номерли трамвайни Умурзоқов бошқариб келди. У рулни ёрдамчисига бериб, билет сотишга киришди. Аллақандай аёлдан икки багаж учун 51 тийин олдида, бир нечта абонемент берди. Аёл норози бўлган эди, бўлмаса, бир сўм берасиз деб туриб олди. Одамлар уни инсофга чақиришмаганда ким билсин нима бўлар эди!

Кимдир кассанинг бузуқлигига шама қилган эди, ҳайдовчи у билан айтишиб кетди. Ҳайдовчини кузатиб келаётган одамлардан бири аёлдан багаж учун 10 тийин олиш кераклигини айтди. Кўра била туриб ортиқча тийин урриб қолаётган ҳайдовчи барибир ўзиникини маъқуллади.

Йўловчиларнинг ҳақли талабига қулоқ солмай, йўл графигини ўжарлик билан бузиб келаётган бундай ҳайдовчиларга 2-трамвай депосининг директори А. Мирзаахмедов, партия ташкилотининг секретари Т. Усмоновалар нима дейишаркин!

Д. ҲАҚНАЗАРОВ.

КЎРКАМ МАКТАБ

Бешқайрағоч массивининг Дилкаш кўчасида 1800 ўқувчига мўлжалланган 245-мактабнинг янги биноси қад кўтарди. Беш корпусдан иборат бу мактаб биносида кенг ва ёруғ синф хоналари, спорт ва акт заллари, фан кабинетлари, лабораториялар, меҳнат дарси устахонаси бор. Мактаб биносини 153-трестнинг 13-қурилиш бошқармаси бинокорлари бунёд этдилар.

Янги мактабда 70 дан ортиқ тажрибали ва ёш ўқитувчилар биринчи сентябрдан фарзандларимизга дарс бера бошлайдилар.

Николай Журавлёв «Геологоразведка» заводи механика цехининг илғор ишчиларидан бири. У шу кунларда 1974 йилнинг сентябрь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. Илғор ишчи фидокорона меҳнат қилиш билан бирга ёш ҳамкасбларига бой тажрибасини сидқидилдан ўргатмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ'ДА босилганлар кейин

„Нон—табаррук"

Шу сарлавҳа остида газетанинг 10 июль сонида босилган материалда сотилаётган нонларнинг айрим ҳолларда сифати пастлиги, пишмай қолиши танқид қилинган эди.

«Узглавхлеб»дан олинган жавобда бундай дейилади: газетада кўрсатилган нуқсонларни бартараф этиш учун қуйидаги конкрет тадбирлар белгиланди: аввало мақола 4-нон заводи коллективи ўртасида муҳокама қилинди. Нон сифатини яхшилаш мақсадида ишлаб чиқариш цехи капитал ремонтдан чиқарилмоқда, технологик ускуналар бўялмоқда. Заводнинг ишлаб чиқариш лабораторияси сифатни назорат қилишни кучайтирди. Сифатсиз нон ёпган ходимларга нисбатан қаттиқ маъмурий чора кўрилди.

„Боғлар нега қаровсиз?"

Газетанинг 16 июль сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган материалда «Тошсовет 50 йиллиги» кинотеатри ёнида шунингдек, Жарқўрғон кўчасида каттагина боғ барпо этилиб, қаровсиз ётгани танқид қилинган эди.

Ҳамза район ижроия комитети редакцияга қуйидагиларни маълум қилди:

Боғни яхшилаш учун анча иш қилинди. Жамоатчилик ёрдами билан 109 лампа қўйилди, дарахт ва буталар тартибга келтирилди, ариқ-зовурлар тозаланиб, гулзор тартибга солинди ва йўлкалар очтирилди. Боққа қараш учун махсус одамлар ажратилди ва ҳар ойда бир марта шанба ва якшанбалик ўтказиладиган бўлинди. Жамоат тартибини сақлаш учун Ҳамза район ички ишлар бўлими дружиначилар навбатчилигини тайинлади.

ДЎСТЛАРИМИЗ КОНКУРСИ

Польшадаги «Орбис» саёҳатлар бюроси, чет эллар билан маданий ва дўстлик алоқалари жамияти Литва бўлими ва Вильнюсда поляк тилида нашр қилинадиган «Червони штандар» республика газетаси томонидан ташкил қилинган «Дўстлар ҳамкорлиги» конкурси якунланди. Бу «Червони штандар» газетаси томонидан бошқа поляк ва совет ташкилотлари билан биргаликда эълон қилинган ўнинчи совет—поляк дўстлиги конкурсидир. Бу гал у СССР ва ПХР ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида тузилган Шартноманинг 28 йиллигига бағишланди.

Конкурсга Литвадан ташқари Белоруссия, Латвия, Эстония ва РСФСРдан 3 мингдан ортиқ хат келди. Асосий мукофотларни Польша Халқ Республикасидаги Коперник жойлари бўйлаб саёҳатга путёвкани — конкурс голиби Каунас медицина институтининг профессори Альфредас Смайлис, Эйшишкес шаҳридаги ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси Мария Готовецка ва Вильнюс районидаги Медининкай ўрта мактаби директорининг ўринбосари Крестина Романовска олди. Кўпгина саволларга тўғри жавоб берган яна 46 конкурс қатнашчисига эсдалик совғалари берилди.

Б. АКСТИНАС,
АПН мухбири.

Вильнюс.

„ТОШКЕНТ ОҚШОМИ“ КОНКУРСИГА

ЕЛКАДОШ

ОЧЕРК

„ИШ БИЛСАНГ-КУ, гап билмасанг-бу ҳам ташвиш экан». Бу—Султонмуроднинг мулоҳазаси. Унингча, меҳнаткаш кишига сўзлашдан кўра, ишлаш осонроқ эмиш. Аслида, иш билганчалик гап ҳам билади. Султонмурод бу гапи билан нима демоқчилигини энди ўйлай бошлагандим, бердисини ўзидан эшита қолдим.

...Нари-бериси икки йиллик гап. Бир куни Султонмурод сменани энди тамомлаб турган ва коржомасини ечиб, душхонага кириб кетаётганда участка бошлиғи Владимир Садовников тўхтатди:

— Султонмурод, эртага соат бирда сени қурилиш бошлиғи ўз ҳузурига чақирган. Знёлинамороқ бўлиб борармишсан!

Султонмурод қўлида сочиғи билан бир дақиқа жим қолди. Бошлиқ нимага чақирганини билолмай, участка бошлиғига юзланди:

— Иши бордирки, чақирган. Лекин знёлинамороқ бўлиб боришимга ҳайрон бўлиб қолдим.

— Бўйдоқ йигит бўлсангки, бирор қизга куёв шу деб кўрсатишса. Қизиқсан-да, биродар.

— Нимага ўзи, тинчликми?

— Солдат ўтганмиз, укам! Нимагалигини суриштириб ўтирмасдан «хўп, айтиб қўяман» деб юборибман.

Эртасига Султонмурод 2-туннелсозлик отрядининг бошлиғи Павел Конишчев ҳузурига борганда, у кабинетида уч-тўрт мутахассис билан нималарнидир маслаҳатлашиб ўтирганди. Султонмуродни кўрган заҳоти бошлиқ ўрнидан турди-да, унинг қўлини қаттиқ қисиб:

— Келсинлар, йигитларнинг Султони! Вақтида келдинг, бизнинг ҳам муродимиз ҳосил бўлди, — деди ҳар галгидек ҳазил қилиб, кейин очиқ чеҳра билан ўтиришга жой кўрсатди. «Нима гап»лигини билолмай ўзича ташвишланиб келган Султонмурод стулга ўтира туриб енгил нафас олди ва бошлиққа назар ташлади. «Бирор гап ўтган бўлса, бунчалик хушмуомала қилмасди, қани, эшитай-чи...» дея ўйлади у.

— Хўш, яхши юрибсанми, уйдагилар...— Бошлиқ ўз одатича бирор зарур гапни айтмоқчи бўлса, олдин бола-чақадан, саломатликдан суриштирар, орада сал сукут сақлагач, асосий масалага кўчарди. Бу сафар ҳам шундай бўлди.—Эшитдим, ишларинг яхши экан. Сени кўпчиликка таништирмоқчимиз, янги ишчилар қабул қиляпмиз, залда тўпланиб турнишибди. Уларга ўз ишларинг, қандай қилиб метросоз бўлиб, қолганинг, трассада нималар бўлаётгани хусусида сўзлаб берасан. Токи, янги ишга келаётганлар метро қурилиши ҳақида сал тасаввурга эга бўлсинлар. Энг муҳими—метро бунёд этиш енгил-елпи, оддий ишлардан эмаслигини, ўзига яраша қийин томонлари ҳам борлигини, сенинг оғзингдан, илгор метросоз оғзидан эшитиб қўйсинлар. Шунга чақиргандик.

Бошидан тоғ ағдарилгандай бўлди. Султонмурод бироз енгил тортган бўлса-да, энди уни бошқа ташвиш босганди: шунча гапни қандай қилиб батартиб айтиб беришини ўйларди. Эрталаб қиртишлаб олинган соқолининг қолганқутганини қидиргандай иягини силаётганди, бошлиқнинг овози унинг хаёлини бўлди:

— Гапни ўзингдан бошлайсан, кейин метро қурилишида эсингда қолганларини биринсирин сўзлайсан. Келишдикми?

Владимир Садовниковнинг «Солдат ўтганмиз. Сўраб ўтирмай хўп деб юборибман» деган гапини эслаб:

— Майли! — деди ўзига хос камтарлик билан.

...Залда лиқ тўла одам. Бироқ пашша учса сезиладиган даражада жимжит. Президиум столи ёнида ўтирган бошлиқ одамларга бир-бир синовчан назар билан қаради-да ўрнидан турди:

— Сизлар, ўртоқлар, метросозларнинг катта отрядига қўшиляпсиз, — деди у ва одатича сал сукут сақлагач, сўзида давом этди. — Мана бу йигит Султонмурод Ниёзов бўлади. Тошкент метроси қурилиши бошланган дастлабки ойлардан трассага чиққан ўзбек йигити. Ишнинг оғир-енгилини писанд қилмайди. Тажрибали метросозлардан илгорлик сирларини қунт билан ўрганиб бораяпти. Нима иш қиласизлар? Метро қурилишида ишлар қалай бораяпти? Ҳаммаси тўғрисида сизга ўхшаб янги касб танлаган, бугунги кунда коллективимизнинг меҳрини қозониб олган мана шу укамиз сўзлаб беради.

Бошлиқнинг укамиз дегани, Султонмуроднинг кўнглини кўтариб юборганди.

Залдагилар бир-бирларига қараб олишди. Энди ҳамманинг нигоҳи Султонмуродга қадалган. Ийманибгина минбарга чиққан Султонмурод айтадиганларини энди «бир ип»га тизиб олганди. Тошкент метроси қурилиши ҳақида дастлабки таассурот қолдирадиган воқеаларни шошмасдан сўзларди.

...Институтни битридиму, шу шонли коллективга ишга келдим. 2-туннелсозлик отряди деб номланувчи бу коллектив бир мактаб; шунинг учун ҳам шонлики, унда ишловчилар мамлакатимиз метросозлигида муносиб из қолдирган тажрибали одамлар: Сибирда, Тайгада, Москвада Ленинградда туннель қурган, юзлаб километрлар билан ўлчанувчи метро йўллари бунёд этган кишилар. Совук нина санчиб турадиган Абакан-Тайшетда темир йўл қуришда азаматлигини кўрсатган, қаҳрамонлигини намойиш қилган мард ишчилар ва мутахассислар. Бугунги кунда янги Тошкентнинг чиройини очишмоқда, бир ярим миллионли катта шаҳар аҳолисига транспорт қулайлигини яратиб беришда жонбозлик кўрсатишмоқда.

Дарвоқе, янги Тошкент! Зилзила бир умрлик асорат қолдирмоқчи бўлди бу шаҳарда. Лекин совет кишиларининг жасорати, ҳамжиҳатлиги, дўсту биродарлиги, бир-бирига қайишиши меҳрибонлиги зилзиладан кучлилик қилди. Балки, тошкентликдирсиз, эҳтимол бошқа жойлардан келгандирсиз, буни ҳозир мен билмайману бир нарсани эслатиб ўтай. Шаҳримизда зилзила оқибатлари энди тугатила бошлаган кунлар эди. Октябрь революцияси хиёбонининг чап биқинида катта панно пайдо бўлгани ҳали ҳам кўз ўнгимда. Тепасига: «Мамлакат-Тошкентга!» деган сўзлар битилганди. Ўша паннода катта бир нуқта бўлиб, унга турли чизиқлар келиб туташар ва чизиқларнинг нариги учида минг-миллионларни ифодаловчи рақамлар ёзилганди. Рақамлар мамлакатимиздаги қайси шаҳар Тошкентга қанча квадрат метр уй-жой, маданий-маиший муассаса қуриб беришини билдирарди. Ҳозир ўша панно олиб қўйилган. Негаки, мамлакатимиздаги турли шаҳарлардан келган ога-инларимиз ваъда қилганларини бажариб кетишди. Шу тарика Тошкент янгиланди, зилзилани кўрмагандай бўлиб кетди.

Ер силкиниши зарбидан тутдай тўкилган эски иморатлар ўрнидан дўстларимизни суюнтирадиган, хорижий мамлакатлардан келган душманларимизни куйдирадиган ажаб ҳашаматли янги маҳаллалар—кварталлар тикланди. Бунн янги Тошкент дейдилар. Буни совет халқлари бузилмас биродарлиги тимсоли дейдилар! Буни турли миллат вакилларидан иборат совет халқининг куч-қудрати, меҳр-оқибати намунаси дейдилар. Буни Совет тузуми, Коммунистик партиямиз раҳбарлиги деймиз. Буни баралла овоз билан айтамиз!

Бугунги Тошкент «Халқлар дўстлиги» проспектидан бошланади. Тошкент метроснинг Фарҳод станцияси ана шу ерда бунёд этилмоқда. Шу станциядаги бир янгиликни айтиб берай дедим.

Залда овозлар эшитилди:

— Айтиб беринг.

— Ҳаммасини айтиб беринг.

— Биз Тошкентга кеча келганмиз, айтаверинг...

Султонмурод минбар пештахтаси четига стаканда қўйилган сувдан хўплади. Ҳақиқатан ҳам залдагилар унинг сўзларини берилиб тинглашаётганига хотиржамроқ боққанида қаноат ҳосил қилди.

...Фарҳод станцияси барпо этилаётган жой икки йилча аввал фойдаланилмай ётган теплалик, янтоқзор эди. Энди унинг чиройи бир бошқача бўлиб бораяпти. Станция қурилиши эндигина бошланиб дастлабки портлатиш бўлганида, Чилонзорнинг 16-кварталидагилар зилзила бўляптими, деб ўйлаб баравар кўчага чиқишган экан. Кўчада қурувчилар ишидан хабар топишгач, тинчгина уй-уйларига кириб кетишган. Балки, зилзила фурсатидаги одатларини тарк этишмаган дир. Буни менга яқинда бир табаррук қария айтиб берди.

Фарҳодда туннель отрядининг энг илғор коллективи 1-участка азаматлари ишлаяпти. Станция қурилаётган жой тинч ва осойишта. Гўё ҳеч ким йўқдай. Мураккаб чўян ва темир-бетон ускуналаргагина кўзингиз тушади. Яқинроқ борсангиз, минора крани имиллаб ҳаракат қилаётгани, ер остига нималарнидир тушираётганини пайқайсиз. Кейин билсам, ҳамма иш ер остида экан. Владимир Кожемякин бошлиқ комплекс бригаданинг проходкалаш ишлари билан қизиқиб, темир зинапоядан пастликка тушдим. Замонамиз фарҳодлари меҳнати билан танишдим.

Охири кўринмас қоронғи туннелнинг нариги томонидан электр фонарнинг чақмоқ янглиғ ёруғи дамба-дам жойини ўзгартириб борар, одамларнинг тер тўкиб ишлаётгани сезилиб турарди. Ним қоронғида кўзимни ишқаб тузукроқ қарасам, туннель қўшалоқ экан. Бу — Тошкент метросининг бошланишидаги йўл. Кўпни кўрган Владимир Кожемякининг айтишича, замонавий ускуналар кўмагида ана шу туннелларнинг бири саккиз юз метрча, иккинчиси тўрт юз метрча қазиб қўйилябди. Қазиш ниҳоятда секин бораётгандай. Лекин ер остида тупроқ қазишнинг эришилаётган даражаси мардлик эканини билиб олиш қийин эмас. Қазилган тупроқ электр поезд вагонеткаларига пешма-пеш жўнатиляпти. Транспортер билан ер юзига чиқариляпти.

— Икки ойча илгари тупроқ қазишнинг ҳаддини олдик, — дейди бригадир. — Уч бригада мусобақалашардик. Менинг коллективим, Сергей Воронин ва Игорь Лисий бригадалари мусобакалашиб кетиб катта маррани эгаллаб қўйганимизни билмай қолибмиз. Бир ойда 152,2 метр масофадаги тупроқни қазиб чиқарибмиз. Бу, 1 Майга туҳфамиз бўлди.

Буни кейин газеталарда ҳам ўқидим: бир ой ичида шунча ҳажмда проходка ишларини бажариш мамлакатимиз метросозлиги тарихида кўрилмаган воқеа экан. Тошкентлилар эгаллаган марра Бутуниттифоқ янги рекорди деб ёзишди. Шу вақтда ҳам улар ҳар сменада икки метр масофада проходкалашнинг уддасидан чиқишмоқда. Ер юзида бўлса, туннель очишдаги бу рақам бунчалик шовшувга сабаб бўла қолмасди. Ўн беш ойда очилган туннель масофасини метро поезди атиги бир ярим минут ичидагина босиб ўтади. Бироқ, шунча туннель қазиш бу ерда мардлик саналиб турганига нима дейсиз. Яқингинада Игорь Лисий бригадаси яна бир воқеани нишонлади: тоннелга мингинчи металл халқа ўрнатиб, метросозлар мусобақасида ғолиб чиқди.

Шундай! Метро қурилиши жадал бораяпти. Тошкентга, бутун мамлакат ёрдам бераяпти. Метро лойиҳасини Москва мутахассислари, ускуналарни турли республикалардаги корхоналар зудлик билан юбориб туришибди. Лойиҳаларга қараб станцияларни саройга қиёслаш жойиз. Ер ости саройларининг деворлари ва зиналарига Ўзбекистон мармарлари зеб бериб турадиган онлар яқин.

Султонмуродга саволлар беришди.

— Ўзингиз тошкентликмисиз?

— Тошкентликман, Москвадагига ўхшатиб Тошкентда ҳам метро қурилармиш деган гапларни эшитганда тўлқиниланиб, ҳаяжонланиб юрган кишиларнинг бириман. Буни қарангки, политехника институтини тамомлашим билан шу объектда ишлаш истагимни билдиргандим, тақсимот комиссияси тилагимни инобатга олди.

Султонмурод бунчалик катта даврада сўзламаганидан қизариб кетган, вужуди лов-лов ёнаётгандай эди. Ўзбеклардан биринчи бўлиб метросозлик касбини эгаллаб бораётган йигит барваста гавдаси, бақувват билаклари, кулганда кичрайиб ёниб турувчи кўзлари, ўз касбига ихлоси билан зал аҳлига жуда улуғвор кўриниб кетди. Ўзи инженер бўла туриб, биринчи кунларда ишчилар ёнида ҳунар ўрганди, Муқимий кўчасида лаҳм қазишда кўмаклашди. Кейинроқ маҳорати ортиб, бригадирликка кўтарилди. Эйди у рус оғалари, турли миллатли вакиллари билан Тошкент метроси қурилишида елкадош.

Жўра ХОЛҚОСИМОВ.

ОҚ ЯУЛ, ЛЕЙТЕНАНТЛАР!

ВЛАДИВОСТОК. С. О. Макаров номли Тинч океан олий ҳарбий-денгиз билим юртини навбатдаги битирувчилар тарк этишди.

Узоқ Шарида Советлар ҳокимияти учун кураш қаҳрамонларига ўрнатилган ёдгорлик ёнида ёш офицерлар шарафига митинг ўтказилди.

СУРАТДА: орқада — билим юрти, олдинда — флот.

Ю. Муравин фотоси, ТАСС фотохроникаси.

Беруний ҳикматлари

Эҳсон қилувчининг миннати қилган эҳсонини йўққа чиқаради.

* * *

Кичкина нарсани камситма. Кичик ишнинг ўзига яраша фойдали жиҳати бор.

* * *

Кўпчилик ўртасида одат бўлган нарсага қаршн чиқма.

* * *

Насиҳат йўли билан одобли қилиш мумкин бўлган кишига қамчин ва қилич даркор эмас.

* * *

Донишманд ва олимларнинг аҳлоқини ўрганиш яхши хулққа етказади, ёмон хулқни эса ўлдиради. Яхши хулқ яхшиликнинг аломатидир.

* * *

Мен фан соҳасида керак бўлган ҳамма ишларни диққат билан бажардим, яъни ўтмишдошларим қилган ишлар натижасидан фойдаландим, уларда бўлган хатоларни тузатишга журъат этдим, қўлга киритган натижаларни келгуси авлодга мумкин қадар ёзиб қолдиришга уриндим.

* * *

Жудоликдан аччиқроқ нарса йўқ.

* * *

...(одамлар) тузилишларини ранг, сурат, табиат ва аҳлоқда турлича бўлиши фақатгина насабларнинг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ер-одам яшайдиган жойларнинг турличалигидан ҳамдир.

* * *

Ҳақиқий ҳузур-ҳаловат инсон бирор нарсага эга бўлган сари ана шу нарсага кўпроқ эга бўлиш мақсадида интилишнинг тобора ортиб боришидан иборат. Инсон руҳида аввал билмаган нарсасини билиб олишда ана шундай ҳолат пайдо бўлади.

* * *

Тенглик ҳукм сурган жойда сотқин, алдамчи эҳтиросларнинг ғам-ғусса бўлмайди.

* * *

Яхшиликка интилиш, унинг (олижанобликнинг) ўсгани сари кучанверади ва яхшилик умуман жамики одамларга, хусусан, қариндош-уруғларга яхшилик тилашдан иборат.

* * *

Қўл калталик қилганда ёлғиз яхши ният билан, имкон йўл берганда эса, бевосита хайрли иш билан яхшилик қилинади.

* * *

Кишига энг яқин нарса бу унинг ўз дили бўлиб, биринчи навбатда ўз дилига, ундан кейин эса ўз теварагидаги энг яқинларига яхшилик исташи лозим.

* * *

Билимнинг соҳалари кўп ва юксалиш, тараққиёт даврининг донишмандлари илм-фанга узлуксиз мурожаат қилганлари сари у янада кўпаяди. Одамларнинг илмни эгаллашга интилиш, фанга ва фан намояндаларига ҳурмат-эҳтиром билан қарашлари шунинг аломатидир.

* * *

Илм-фан тараққиёти ҳақида ғамхўрлик қилиш, аввало, кишилар устидан ҳукм юритадиган шахсларнинг бурчидир.

Н. НОРҚУЛОВ ва Э. РЎЗИЕВлар тўплашган.

„КПСС XXIV съезди: назария ва практика бирлиги“

Сиёсий адабиёт нашриёти «Коммунист» журнали редакцияси билан бирга «КПСС XXIV съезди: назария ва практика бирлиги» номли тўпламни тайёрлади ва нашр қилди.

Тўпламда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет давлати раҳбар арбоблари — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолари ва аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитети секретарларининг съезддан кейин эълон қилинган докладлари, нутқлари ва мақолалари бор.

Тўпламдаги материаллар XXIV съезди қарорларини бажариш соҳасида КПСС қилган ишлар якунланган, съезд томонидан қўйилган проблемалар мамлакатимизда коммунистик қурилиши вазифалари билан чамбарчас боғланган ҳолда назарий жиҳатдан ишлаб чиқилган.

(ТАСС).

Қозоқ тилида

ОЛМАОТА. (ТАСС). «Қозоғистон» нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқлари ва мақолаларини «Партия қурилишининг актуал проблемалари тўғрисида» сарлавҳаси билан қозоқ тилида тўплам қилиб чиқарди.

Озарбайжон тилида

БОКУ. (ТАСС). «Азернешр» нашриёти «Леонид Ильич Брежневнинг Америка Қўшма Штатларига визити» материаллари тўпламини озарбайжон тилида нашр этди.

Латиш тилида

РИГА. (ТАСС мухбири). «Лиесма» нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми аъзоси Л. И. Брежневнинг шу йил май ойида Германия Федератив Республикасига қилган визити тўғрисидаги материаллар тўпламини латиш тилида чоп қилди. Брошюра кўп нусхада нашр этилди.

Жаҳон ойнаси

Венгрия электроникасининг муваффақиятлари

БУДАПЕШТ. Секешфехервар шаҳрида ҳисоблаш техникаси заводи ишга туширилди.

Электроника — Венгрия саноатининг энг ёш тармоқларидан бири. ВХР ҳукумати бу саноатни ривожлантириш учун талай миқдорда маблағ сарфламоқда, юқори малакали кадрлар тайёрлашга катта эътибор бермоқда.

1968 йил Венгрия электрон саноати вужудга келган сана ҳисобланади. Уша вақтда мамлакат заводларида электрон-ҳисоблаш машиналари учун эҳтиёт қисмлар тайёрлаш йўлга қўйилган эди. 1970 йилда эса Венгрия кичик электрон-ҳисоблаш машиналарини ишлаб чиқара бошлади.

Венгрия электрон техника соҳасида ўз ишини социалистик мамлакатлар билан мувофиқлаштириб олиб бормоқда. Венгрия Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида «Р—10» типидаги кичик электрон-ҳисоблаш машиналарини ишлаб чиқишда иштирок этмоқда. Секешфехервардаги завод ана шундай машиналарни ишлаб чиқаришга киришди.

ЖАҲОН КОНГРЕССИ ОЛДИДАН

КОТОНУ. (ТАСС). «1973 йил—тинчликсевар кучларнинг жаҳон конгресси йилидир»— Дагомея тинчлик ва тараққиёт учун курашувчи миллий кенгашининг органи — «Агбалья» газетаси ана шу сарлавҳа остида бош мақола билан чиқди. Бош мақола тинчликсевар кучларнинг Москвада ўтадиган жаҳон конгрессига бағишланади.

Газета бутун дунёда тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишида 1973 йили янги муваффақиятларга эришилганлигини таъкидлаб, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг ГФР, АҚШ ва Францияга қилган визитлари, Вьетнамда уруш тўхтатилганлиги, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан кенгашнинг биринчи босқичи тугалланганлиги каби халқаро ҳаётда рўй берган муҳим воқеаларнинг аҳамиятини алоҳида уқтириб ўтади.

Айни бир пайтда, деб ёзади «Агбалья», тинчлик кучлари ўз ҳушёрликларини оширишлари лозим, чунки ер юзида Яқин Шарқ, Камбоджа сингари оловли нуқталар ҳали ҳам сақланиб келмоқда. Бу жойларда уруш ҳаракатлари давом эттирилмоқда. Шунингдек Жанубий Африкадаги халқлар Португалия мустамлакачилари ва Жанубий Африка иркчиларнинг зулми остида ҳамон азоб чекмоқдалар.

Шунинг учун деб давом қилади газета, тинчликсевар кучларнинг Москвада ўтадиган жаҳон конгрессининг аҳамияти, айниқса ортиб боради. Бу конгресс тинчлик ва ҳавфсизлик учун, иркчилик ва апартеидга қарши, миллий мустақилликка эришиш учун, қуролсизланиш, ҳамкорлик қилиш ва тараққиёт учун курашчиларнинг анжуманн бўлади.

Москва конгрессининг муваффақиятли ўтишига газета ишонч билдиради ҳамда унинг ваколатли характерга эга эканлигини қайд қилади. «Дунёни биргалашиб қуришга интилаётганларнинг ҳамма конгрессда иштирок этади,— деб ёзади пировардида Дагомея тинчлик ва тараққиёт учун курашувчи миллий кенгашининг органи.— Бу учрашув янги ғояларнинг пайдо бўлишига ёрдам беради ҳамда тинчликни ва миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ишига самарали ҳисса бўлиб қўшилади».

Янги жиноят

САНТЬЯГО. (ТАСС). Чили реакцияси янги қонли жиноят қилди. Катта тезликда кетаётган автомобилдан отилган ўқ билан транспортчилар ватанпарварлик ҳаракати (Мопаре)нинг раҳбарларидан бири Оскар Бальбоа Кампос ўлдирилди. Мопаре га кирган машина ҳайдовчилар юк машиналарининг эгалари бошлаган ғайри қонуний иш ташлашга қўшилмадилар ва юкларни одатдагидек ташишни давом эттирмоқдалар.

С. Альенде ҳукумати янги террорчилик ҳаракати муносабати билан миллий конгрессга қонун лойиҳаси юборди. Унда жиноятчи унсурларга қарши курашмоқ учун қатъийроқ чораларни жорий этиш назарда тутилади.

МУСТАҲКАМ ЎРНАШИБ ОЛИШ МАҚСАДИДА

БАЙРУТ. (ТАСС). Исроилнинг босиб олинган араб территорияларида яқин беш йил мобайнида яна 35 та ҳарбийлаштирилган қишлоқ қуриш ниятидадир. Тель-Авив радиосининг нуфузли манбаларга асосланиб берган хабарига кўра, янги қишлоқлар Голан тепаликларида, Иордан дарёси водийсида, Рафаҳ ва Шарм аш-Шайх чекка ларида жойлаштирилади.

Исроилнинг ҳукмрон доиралари арабларга тегишли бўлган ва босиб олинган ерларда мустаҳкам ўрнашиб олиш учун бутун куч-ғайратларини сарфлаётгандалар. 1967 йил июнидан то ҳозирга қадар, деб кўрсатади Фалластин информация агентлиги, Исроил маъмурлари босиб олинган территорияларда 44 та қишлоқни қуриб бўлдилар.

ЯХШИ СОВҒА

СОФИЯ. Болгарияда шу йилнинг охиригача 53 мингта квартира қурилади. Мамлакат аҳолиси шу беш йиллик (1972—1975 йиллар) мобайнида жами 250 минг квартира олади. Бу эса шундан аввалги беш йилликлардагига нисбатан икки баравар кўпдир.

БХРда уй-жой қурилиши суръатларининг оширилиши қурилишни саноат негизида олиб боришга ўтиш билан боғлангандир. Ҳозир Болгарияда 15 та уйсозлик комбинати ишлаб турибди. Пловдив уйсозлик комбинати панел ва йиғма конструкцияларнинг 18 турини ишлаб чиқармоқда. Бу буюмлар бир қанча ишлаб чиқариш операциялари юксак даражада автоматлаштирилган ихтисослаштирилган технология линияларида тайёрланмоқда. Пловдивдаги комбинат ҳар йили 4500 квартира тайёрлаш қувватига эга.

Янги уй-жой массивлари барпо этиш билан бир қаторда республикада эски бульварлар ва кўчалар обод этилмоқда, реконструкция қилинмоқда, эстакадалар ва ерости ўтиш йўллари қурилмоқда. Ҳозир пойтахт қурувчилари Софиянинг асосий магистрали — Ленин номли бульварни реконструкция қилмоқдалар.

Ёлғон хабарлар рад қилинди

САНТЬЯГО. (ТАСС). Оппозициядаги баъзи радиостанциялар Чили ҳарбий ҳаво кучлари матбуот хизматига таяниб республиканинг ҳарбий ҳаво кучлари гўё ҳарбий ҳаво кучларига генерал Густаво Лининг янги бош қўмондон бўлиб тайинланишини эътироф этишдан бош тортдилар ва ўз ташаббуслари билан барча қисмларни жанговар тайёр ҳолга келтирдилар, деб ивғоғарлик мақсадида хабар тарқатдилар. Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги бу ёлғон хабарни қатъиян рад қилди ва бунинг учун матбуот хизмати бошлиғининг ўринбосари лавозимини эгаллаган полковник Гальегосгина жавобгар эканлигини уқтириб ўтди.

Ҳукумат бош секретариати эълон қилган баёнотда ҳам ҳарбий ҳаво кучлари қонуний ҳукуматга қарши исён кўтардилар деган ёлғон уйдурмаларни ҳам қатъиян рад қилди ва бундай ёлғон ваҳима хабарларни тарқатувчиларга нисбатан чоралар кўрилади, деб таъкидлади.

Сўнгги маълумотларга қараганда, транспортни нормаллаштириш билан шуғулланувчи ҳукумат вакили генерал Брадн транспортчилар конфедерацияси раҳбарлари билан муозакараларни бошлади.

АҚШ. Сан-Франциско да бўлиб ўтган, сўнгги йиллардаги энг йирик бўлган нархларнинг тебранишига, солиқларнинг ортиши ва меҳнатни эксплуатация қилишга қарши намойишда бир неча минг савдо ходими қатнашди.

СУРАТДА: намойиш пайтида.

(ТАСС фотохроникаси).

Маданий ҳаёт

САНЪАТСЕВАРЛАР ТУҲФАСИ

Охунбобоев номли шаҳар маданият уйи ҳузуридаги халқ театри намуналн ишларни амалга оширяпти. Бу коллектив яқинда А. Зайниддиновнинг «Давр садоси» асарини саҳналаштирди. Режиссёр Шавкат Умаров саҳналаштирган бу саҳна асарида колхоз ёшларининг ҳозирги ҳаёти, орзу-ўйлари, пок инсоний севгилари ҳақида ҳикоя қилинади. Халқ театрида 40 дан ортиқ ишчи, хизматчи, студент ва ўқувчилар қатнашмоқда. С. Аҳмедов, Ш. Раҳматуллаева, Б. Тожибоев, А. Исломов, З. Аҳмедовалар театрда маҳорат эгаллаяпти.

Халқ театрининг қатнашчилари Самарқанд области пахтакорларига хизмат қилиш учун катта тайёргарлик кўришди. Улар область меҳнатчиларига «Тош меҳмон», «Майсарайнинг иши», «Бургутнинг парвози», «Имон», «Феруза»нинг тақдири» спектакларини намойиш қиладилар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фотима Носирова раҳбарлик қилаётган ашула ва рақс ансамбли «Марҳабо, талантлар» деб номланган концерт-конкурсга қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Маданият уйида яқинда ташкил топган қизлар хори ҳам совет композиторларининг янги қўшиқларини ўрганиб, ўз репертуарларини бойитишяпти.

Б. СОАТОВА.

Осиё ва Африка ёзувчиларининг Олмаота конференцияси олдидан

Ричард РИВ,
Жанубий Африка ёзувчиси.

СТАЧКА

(ҲИКОЯ)

Ҳориган икки киши нуска кўчирувчи машина ёнида ишламоқда.

— Иш яхши кетяпти. Бу варақалар Бернь учун.

— Бернда ҳамма нарса жойида. Афлондачи?

— Афлонда бизга яна уч киши етишмайди.

— Клермонтада эса бир киши. Жимми қамоққа олишди.

— Уни қачон ушлашипти?

— Шу тунда. Варақалар ёпиштираётганда фирқавилар ғазабига дучор бўлипти.

— У қаерда ўтирипти?

— Клермонтада, полиция участкасида. Марвин уни кафилликка чиқаришлари учун уриниб юрипти.

— Жуда соз бўларди-я.

— Афлон учун варақалар қўлдан чиқди. Энди Кейптаунинг Марказий райони учун ўн беш мингта тайёрлаш керак.

— Тоза теллар эканмизда!

— Кечгача тугатиш керак.

— Кейптаунда кишилар бошқа бўлгаймі?

— Йўқ. Эски беш киши, яна саккиз студент.

— Меҳнатимиз зое кетмас деб ишонаман. Улар стачкага чиқишармикин, сен қандай фикрдасан?

— Кимлар?

— Ишчилар.

— Албатта чиқишади. Фақат қора танилар билан келишиш қийин.

— Африкаликларга ишонса бўладими?

— Балки бўлар. Ўтган гал ўзларини кўрсатишди, улар.

— Панафрика конгресси бизга қарши чиқишини сен биларсан, албатта!

— Бу унчалик муҳим эмас.

— Уларнинг Кейптаунда тарафдорлари кўплигини эслагин.

— Ҳозир шунақа гап вақти эмас. Кел, яхшиси ўн беш мингтагача санайлик.

— Бунисн ҳам тўғри. Марказий район билан шуғулланамиз.

— О'кей.

Лонг-стритни Кейптаунинг бошқа кўчаларидан осонликча ажратиш мумкин. У ҳам ифлос, ҳам тоза, жуда ҳам замонавий ва эскича... Бу фиск-фасод ва ясама саҳоват, яқинрагаи магазинлар ва сассиқ жин кўчалар кўчаси. Банклар бошқарувчилари ва клерклар, фоҳиша ва бузуқилар кўчаси. Черковлар ёнида мачитлар жойлашган... Унинг пастки кварталлари безаклар ва шуҳратпарастлик билан белгиланса, юқори қаватлари оч-яланғочлик ва иллатлар билан белгиланади.

Бостон Клоет ва Леннн Дэмонс Вэйл кўчасидан Лонг-стриттга бурилишди.

— Китоб магазини жуда яқинда. Икки квартал қолди, — деди Бостон.

— Шунақага ўхшайди. У ҳаммасини тахт қилиб қўйипти, деб ўйлайсанми?

— Ким?

— Катцен.

— Шундай деб ўйлайман. Уни танийсанми, мен таниш эмасман.

— Афтидан, у бизга хайрихоҳ оқ танлилардан бўлса керак. Шунинг учун ҳам ёрдам беради.

— Ким унда брошюраларни қолдириб кетиши керак эди?

— Жоел.

— Келганга ўхшаймиз.

Бостон сўзларни шундай дона-дона гапирар эдики, суҳбатдошлари унинг қаерлик эканлигини ҳар доим ҳам пайқашавермасди. Дастлаб унинг талаффузи қулоққа ўқдай санчиларди, лекин унга тез кўникиб кетишарди. Қорача юзли, қошлари қуюқ, жигалак қўнғир сочли эди Бостон. Уни Дурбанда кўришганда гапидан пайқашмаса ҳиндн деб ўйлашарди. У оддий кийинар, фақатгина жигарранг замшадан тикилган пиджаги унинг боғемалар табақасидан эканлигини кўрсатарди: у ҳикоялар ёзарди. Бостоннинг ёши ўттизларга яқинлашиб қолган, у тўлиша бошлаганди.

Улар ҳира ёруғ тутилган китоблар магазинига кираверишда тўхташди. Бостон уйнинг номерини киссасидан олган конверт юзидаги адрес билан солиштириб кўрди.

— Ҳа, шу ер, — Бостоннинг елкасидан ошиб қараб турган Ленни тасдиқлади.

Ленни камгаплиги билан Бостондан фарқ қиларди. Унинг жиғига тегсангиз ҳаёсиз бўлиб кетарди. Бадани тим қора бўлганлиги учун уни кўпинча африкалик деб ҳисоблашарди. Шундай пайтда ҳар доим Ленни ҳижолат бўларди. Ўзини африкалик деб ўйлашлари унга ёқмасди. У рассом эди, асарларн муваффақият қозонганди... Унинг миқтидан келган гавдаси ёш рассомларнинг қашқолиги ҳақидаги афсонани инкор этарди. У оддий ва камтан кишига қараганда анча башанг кийинарди. Кўпчиликка у баландпарвоздай кўринар, ўзи эса бундай таассуротни тарқатишга ҳаракат қилмасди.

— Қани, кирдик,— деди Бостон.

Агар узоқдаги бурчакка қўйилган стол ёнида ўтирган кўзойнакли сотувчи ва бухгалтерияни ўргатувчи китобни варақлаётган университет студентини ҳисобга олмаганда магазин бўм-бўш эди. Уларга Лонг-стриттнинг кўзи қамаштирувчи ёғдусидан кейин магазин ичи тамомила қоронғу бўлиб туюлди. Бостон ҳира ёруғликка кўниккунича бирмунча вақт ўтди. Студент сотувчига бош ирғитиб чиқиб кетди. Ленни Африка ҳақидаги китоблар токчаси томон кетди.

— Хизмат?

— Э... биласизми, — тутилиб пичирлади Бостон, — айтинг, сиз мистер Катценмисиз?

— Ҳа, бу мен.

— Мен Клоетман. Бостон Клоет. Бу ерга мен учун ташлаб кетишган тугунчани олишга келувдим.

— Жоел олиб келган тугунчами?

— Ўшани.

— У ичкарида эди. Бироз кутиб туринг, уни олиб чиқаман. — Сотувчи тўсиқ орқасига ўтиб кетди.

— Қалай? — Ленни қошларини чимирди.

— У менга маъқул. Қизиқ, Жоел билан анчадан бери танишмикин?

— Анчадан бўлса керак.

— Тугунчада нима борлигини билармикин?

— Билар.

— У бизга хайрихоҳ бўлган ва ёрдамлашишга тайёр оқ танлилардан.

— Балким.

Чизмча билан боғланган тугунчани кўтарган ҳолда мистер Катцен келди.

— Мана, марҳамат.

— Катта раҳмат, мистер Катцен, — деди Бостон, тугунчани бўш сумкага тиқар экан.

— Менимча, сиз билан қаердадир учрашганга ўхшаймиз, — мурожаат қилди унга китоб сотувчи.

Афтидан, у гапиришишни истарди. Аммо Бостон кетишлари лозимлигини унута олмасди. Бундан ташқари, у ҳар доим оқ танлилардан ёмонликни кутар ва уларга шубҳаланб қарарди.

— Учрашмаган бўлсак керак.

— Сиз тасодифан ёзувчи эмасмисиз?

— Ҳа, ёзувчи бўлишга ҳаракат қиляпман.

— Ҳа, албатта. Мен нарсаларингизни ўқиб, исмингизни эслаб қолганман.

— Буни қаранг-а!

— Қайси журналда ўқиганимни эслай олмайман-у, аммо исмингиз ёдимда: Бостон Клоет, Ҳикояларингиз менга жуда маъқул бўлди.

Бостон довдираб қолди. Мақташлар унга ҳузур бағишлади, лекин у шундай вақтларда ўзини қандай тутишни билмасди. Ленни чидам билан уларни кузатиб турарди.

— Бу Лен Дэмонс.

— Бўлмаса-чи, бўлмаса-чи, рассом.

Улар қўл қисишиб, сўз тополмай жимиб қолишди.

— Яна бир бор раҳмат, мистер Катцен. Биз кетишимиз керак.

— Муваффақиятлар тилаймаи. Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади деб ишонаман.

Улар қоронғу магазиндан чиқиб, яна қуёш ёритган гавжум кўчада пайдо бўлдилар...

— Бу оқ танлига ишонса бўлади, деб ўйлайсанми? — деди Бостон.

— Уни ким билади! — жавоб берди Ленни.

Ҳаммадан ҳам ўз қариндошларини ишонтириш қийин эди. У уйқусизликдан қизарган кўзлари билан тортишар, исбот қилар, ишонтирарди.

— Хўп, сен биздан нима истайсан?

(Давоми бор).

БАХТИЁР УЙДА ҚОЛАДИ

Ўтган куни Марказий «Пахтакор» стадионида «Чарм тўп» совғини учун ёш футболчилар Бутуниттифоқ турнирининг ёпилишига бағишланган катта спорт байрами бўлиб ўтди.

Тошкентлик болалар асосий совғи учун ҳал қилувчи олишувда ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритган бахтиёр ёш футболчиларни қизғин кутиб олишди. Аммо майдонга финал олишувининг қатнашчилари— Озарбайжоннинг «Шарқ» ва турнир эгалари — Чилонзорнинг «Юлдузча» командалари чиқишидан олдин яна бир қизиқарли футбол ўйини бўлиб ўтди.

Шаҳримизга қардош болгариялик ёш футболчилар меҳмон бўлиб келишган экан. Совет ва болгар пионерларнн азалдан дўстлик алоқалари боғлаб келмоқда, ёш футболчилар эса анъана бўйича ҳар ёзда терма командалар даражасида ўзаро учрашадилар. Бу safar меҳмонлар билан бўлган ўйинга «Чарм тўп» клуби совғни учун турнирда иштирок этган Грузия, Қозоғистон, Россия Федерацияси командаларнинг футболчилари майдонга тушишди.

Халқаро ўртоқлик учрашуви меҳмонларнинг ғалабаси билан тугади. Ўйиннинг биринчи ярмида улар биринчи бўлиб муваффақиятга эришишди, иккинчи таймда эса командалар битталан тўп киритишди. Учрашувнинг умумий ҳисоби—1:2.

Мана, ниҳоят «Чарм тўп» совғининнинг финал матчи қатнашчилари майдонга тушишди. Ҳар икки команда саралаш учрашувларнинг ҳаммасида ғалаба қозониб, бирорта ҳам учрашувни ютқазгани йўқ. Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳридан келган «Шарқ» командаси ўз тенгдошлари ўртасида икки марта республика чемпиони унвонини қўлга киритган. Тошкентда улар финалга йўлланма олиш учун латвиялик тенгдошларини 3:1, РСФСРнинг Калининград шаҳри командасини 2:0, тожикистонлик болаларни 1:0, қирғизистонлик тенгдошларини 8:0, Шимолий Осетия командасини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Ярим финалда эса «Луч» (Тула) командаси устидан 6:0 ҳисобида йирик ғалаба қозонишди.

«Шарқ» —аҳил коллектив. Мана уч йилдан бери команда бир составда ўйнайди. Командада ўз маҳорати билан ярим ҳимоячи Акиф Зейналов, ҳимоячи Низом Рагимов ва айниқса ҳужумчи Артур Ширазян ажралиб туради. А. Ширазян турнир давомида рақиблар дарвозасига тўққиз тўп киритишга муваффақ бўлди. Команда тренери — Яшар Қурбонов.

Тошкентнинг «Юлдузча» командаси турнирда иштирок этишдан олдин Чилонзор кварталларида ўз тенгдошлари билан бир қатор учрашувлар ўтказади. Улар саралаш ўйинларида Москванинг «Орлёнок» командасини 6:0, Жамбул шаҳридан келган тенгдошларини 1:0, Бийск командасини 3:0, свердловсклик ларни 2:0 ва литваликларни 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

Ҳамшаҳарларимиз ярим финалда кучли рақиб —Тбилиси шаҳрининг «Пионери» командаси билан беллашдилар. Бу ўйинда ҳам чилонзорлик ёш футболчиларнинг кўли баланд келди. Улар 3:1 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Учрашувнинг дастлабки минутларида ҳар икки команда футболчиларининг ўйини бироз қовушгани йўқ. Ёш футболчиларнинг ҳаяжонланаётгани сезилиб турди. Биринчи бўлиб ҳисобни «Шарқ» футболчилари очишди. Тўпни биз юқорида айтиб ўтган меҳмонларнинг ҳужумчиси Артур Ширазян киритди. Ўз дарвозаларидан тўп ўтказиб юборганларидан сўнг майдон эгалари кескин ҳужумга ўтишди. Улар кетмакет рақиблари дарвозасини нишонга олишади. Ана шундай ҳужумлардан иккитаси муваффақиятли якунланди. «Юлдузча» 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Команданинг энг яхши ўйинчилари Игорь Вербицкий, Абдураҳмон Раҳматов, Икром Акбаров ва дарвозабон Акмал Абдураимовларнинг ўйинлари томошабинларга айниқса маъқул бўлди. Чилонзорлик ёш футболчиларга Ғулом Шерабединов тренерлик қилади, ташкилотчи — педагог Атҳам Охунжонов.

«Юлдузча» командасининг ёш футболчилари майдондан чиқиб кетишар экан, уларнинг чеҳраларидан ниҳоятда бахтиёр эканликлари сезилиб турарди. Уларни орзу қилинган мукофот —турнирнинг ўзига хос эмблемаси Бахтиёр ҳайкалчаси кутарди. Шуни айтиш керакки, Тошкент турнирининг қолган қатнашчилари ҳам ана шундай совғаларни олишади.

«Юлдузча» командасига, шунингдек ВЛКСМ Марказий Комитети, «Пионерская правда» газета редакцияси, СССР футбол федерациясининг бош совғини ва «Чарм тўп» клуби марказий штабининг дипломлари, СССР терма командаси футболчиларининг автографлари битилган тўп ҳам топширилади.

Иккинчи ўринни озарбайжонлик ёш футболчилар, учинчи ўринни Грузиянинг «Пионери» командаси эгаллади.

В. АРСЕНТЬЕВ,

СУРАТЛАРДА: юқорида — «Юлдузча» ҳужумда. Икром Акбаров ана шундай вазиятда ҳам тўпни дарвозага йўллашга уринмоқда; ўнгда — тўрт совриндор: «Юлдузча», «Шарқ», «Пионери» ва «Луч» командалари иштирок этган ярим финал ўйинларидан эпизодлар.

Автор фотолари.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23|VIII да **Йўқолган узук**, 24|VIII да **Ой тутилган тунда**, 25|VIII да **Парвона**.

Кино

23 АВГУСТДА

ҚИШКИ БИНОДА

Михай ботир (2 серия) —«ЧАЙКА» (кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (17.30, 20.30).

Жодугар (17.00, 18.00, 19.00, 21.00). **Катта совғин** (20.00). — «СПУТНИК».

Машаққатли касб — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Садоқат — «КЎКЧА» (кечқурун).

Ови юриб, дови юрмаганлар — ҲАМЗА номли (кечқурун).

Беҳуда шов-шув — «МОСКВА» (кечқурун).

Сўнгги гайдук (тоқ соатларда), **Водийдаги довул** (жуфт соатларда). —«ДРУЖБА».

ЁЗГИ БИНОДА

Машаққатли касб — «РАКЕТА».

Адрес: Ер планетаси —ТЕЛЬМАН номли.

Қирмизи иш — «ФЕСТИВАЛЬ».

Сўнгги гайдук — «ХИВА».

24 АВГУСТДА

ҚИШКИ БИНОДА

Сўнгги гайдук — «ЎЗБЕКИСТОН», ҲАМЗА номли, «СПУТНИК» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 15.00, 18.00, 20.45).

Кашмирдаги севги — НАВОИ номли (кундуз ва кечқурун).

Машаққатли касб — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «МОСКВА» (14.30, 19.00, 22.00), «ДРУЖБА» (11.00, 19.00 21.00, 21.30).

Бошсиз чавандоз — САНЪАТ САРОЙИ (тоқ соатларда), «ЧАЙКА» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Ҳур қизлар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 15.00, 20.00), «ДРУЖБА» (12.00, 13.00, 15.00, 16.00, 18.00).

Садоқат (11.00, 14.30) **Парадалле!** (17.00, 19.00, 20.45). — «КЎКЧА».

Қирмизи иш — «ВОСТОК» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Беҳуда шов-шув — «МОСКВА» (10.00, 11.30, 13.00, 17.30, 20.30).

ЁЗГИ БИНОДА

Уз хоҳиши билан — «РАКЕТА».

Музланган — КИРОВ номли.

Бағри тош отанинг ўғиллари — ТЕЛЬМАН номли.

Герл тарихи — «ФЕСТИВАЛЬ».

Телевизор

23 АВГУСТ — Пайшанба

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 Ўқувчилар учун. «Глобус» (Ўзбек тилида). **Рус тилида:** 19.15 Бўрунинг юбилейига Ўзбекистон рассомлари» 19.45 «Ахборот» информацион программаси. **Узбек тилида:** 20.00 Рангли телевидение. «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.50 «Ахборот» информацион программаси. 21.10 V Бутуниттифоқ телевизион фильмлар фестивали олдидан. Рангли телевидение. **«Ҳур рес. публикалар бузилмас иттифоқи».** «Совет Тожикистони». Телевизион ҳужжатли фильм 22.10 Дала ишлари кундалиги. 22.20 Ўзбек куйларидан концерт. **Москва кўрсатади.** 23.00 «Вақт» информацион программаси. 23.30 Рангли телевидение. «Универсиада—73» 00.45 Кўрсатувлар программаси. 00.50 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 18.30 Руминия артистларининг концерти. 19.00 «Қуёш доираси». Ҳужжатли фильм. 19.20 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 11-серияси. 20.30 Рангли телевидение. «Универсиада—73». 22.50 Рангли телевидение. Ҳужжатли фильм **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 23.00 Ўзбек давлат эстрадаси «Хайтарма» ансамблининг концерти. 23.30 Ҳужжатли кино экрани.

Учинчи программа. 19.00 дан Тошкент кўрсатади.

24 АВГУСТ — Жума

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 12.30 Кўрсатувлар программаси. 12.35 Янгиликлар. 12.45 Ўқувчилар, учун «Пионер ёзи». 13.10 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 9-серияси. 14.35 Минглар шартномаси» —амалда. 14.50 «Шахмат мактаби». 15.20 Рангли телевидение. «Музикали учрашувлар». 16.00 Рангли телевидение. Академик гребли бўйича Европа чемпионати. Хотин-қизлар (ёзиб олинган). 16.40 «Фан оламида». 17.10 Кўрсатувлар программаси. 17.15 Янгиликлар. 17.25 Ўқувчилар учун. «Кучукча Цивилизациянинг саргузаштлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 5-серияси. 18.00 «Социализм дунёси». **Тошкент кўрсатади.** 18.30 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик меридиани». 19.15 «Ахборот» информацион программаси. 19.30 «Ёш ижрочилар». Кўрқмас Муҳиддинов куйлайди. **Узбек тилида:** 20.00 Болалар учун. «Соғлом тан да—соғ ақл». Суҳбат. 20.20 Шеърият муҳлисларига. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 V Бутуниттифоқ телевизион фильмлар фестивали олдидан. Рангли телевидение. **«Ҳур республикалар бузилмас иттифоқи».** «Совет Қирғизистони». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.50 «Ўзбекистон». Телевизион киножурналининг 15-сони. 22.00 «Олтин водий». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун программа.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 10.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 11.00 «Майдонда қўғирчоқлар». Болалар учун қўғирчоқ фильм. 11.55 «Ўз тақдирим — ўз сатрларимда». Телевизион фильм. 12.25 «Иван Макарович». Бадиий фильм (Ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 18.30 Жаҳон халқларининг ижоди. 19.00 «30 йилдан кейинги репортаж». Ҳужжатли фильм. 19.20 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 12-серияси. 20.30 Рангли телевидение. «Универсиада—73». 22.50 Рангли телевидение. Ҳужжатли фильм.

Учинчи программа. 19.00 дан Тошкент кўрсатади.

МУРОЖААТ!

АВТОТРАНСПОРТ ҲАЙДОВЧИ ГРАЖДАНЛАР! ПИЁДА ЙЎЛОВЧИЛАР! ҚОРАМОЛ ЭГАЛАРИ!

СССР Иттифоқи темир йўллари шоҳобчаларида 1973 йилнинг

1 ИЮЛИДАН 1 ОКТЯБРИГАЧА

поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан

ЖАМОАТ КЎРИГИ ЎТКАЗИЛМОҚДА



Кўрик — конкурс тартибсиз аҳоли, юк ташиш автомобиль транспорти, айрим мотоцикл ва велосипед ҳайдовчилар, йўловчилар ва ҳайдовда қаровсиз юрган молларни поезд босиб кетиш ҳолларининг олдини олиш мақсадида ўтказилаётир.

Темир йўл транспорти ходимлари томонидан бу борада катта ишлар олиб бориляпти. Ўрта Осиё темир йўли Тошкент дистанцияси ходимлари олиб бораётган ишлар қанча бўлмасин, барибир поездлар ҳаракати хавфсизлиги ҳамон ташвишли аҳволда қолмоқда. Кишиларни, автотранспорт, қаровсиз боқилаётган молларни поезд босиб кетиш ҳоллари ҳамон содир бўлмоқда. Бундай ташвишли ҳоллар айрим тартибсиз гражданлар, автотранспорт ҳайдовчилари, йўловчилар ва қорамол эгаларининг темир йўл қоидаларини қўпол равишда бузаётганлари туфайли юз бермоқда.

Шуни эсда тутингки, темир йўл қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш поездлар ҳаракатига жиддий хавф солади ва гражданларнинг ўзларига, уларнинг қариндош-уруғларига ҳамда яқинларига катта бахтсизлик келтиради! Вақтдан ютаман деб ўз ҳаётингизни ва бошқалар ҳаётини хавф остида қолдирманг!

ГРАЖДАНЛАР! Темир йўл қурилмаларидан фойдаланишда, темир йўл бўйлаб юрганда поезд келмаётганига ишонч ҳосил қилиб, эҳтиёт бўлиб юринг. Темир йўлни фақат белгиланган жойдан кесиб ўтинг!

Шлагбаумлар ва светофорлар ҳолатини диққат билан кузатиб кейин юришда давом этинг. Поезд яқинлашиб келаётганида темир йўлни кесиб ўтиш қатъиян man қилинади. Қорамолларни темир йўлга 300 метр яқинликда боғлаб боқиш, 2000 метр яқинликда эса ҳайдаб боқиш мумкин эмас.

Шуни эсда тутингки, сизга қўйилган талаблар поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва кишилар ҳаётини сақлаб қолишга қаратилгандир!

Сиз ўз интизомингиз билан поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан тадбирлар жамоат кўригининг муваффақиятли ўтказилишига ёрдамлашган бўласиз.

Темир йўл — хавфли зона эканлигини унутманг!

Урта Осиё темир йўли Тошкент дистанцияси раҳбарлиги.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ БИООРГАНИК ХИМИЯ БЎЛИМИГА

катта бухгалтер (бош бухгалтер ҳуқуқига эга бўлган), **бухгалтер, кассир, катта товаршунос, омбор мудири, омборчи, хўжалик мудири** (комендант), **секретарь-машинистка, катта техник, хавфсизлик техникаси бўйича катта инженер, шишасоз, VI разрядли ишчилар, уборщицалар**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

11-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1973—74 ўқув йилига

ЁШЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги мутахассисликлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: тақсимот қурилмалари бўйича электромонтёр, электрослесарь, заргар, куч ва ёритиш қурилмалари бўйича электромонтёрлар, манший ва хўжалик асбобларини тузатиш бўйича электрослесарь, радиотелевизор аппаратларини тузатиш ва хизмат кўрсатиш бўйича радиомеханик.

8—10 синф ҳажмида маълумоти бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — бир ва икки йил.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Физкультурная кўчаси, 8-уй.

Узбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлиги

МАРКАЗИЙ КОНСТРУКТОРЛИК ЛОЙИҲА-ТЕХНОЛОГИК БЮРОСИГА

гўшт, сут ва совутиш саноати мутахассислари, инженер-механиклар, конструкторлар ва лойиҳаловчилар, техник эстетика бўйича инженер, молиячилар, иқтисодчилар ва ҳисобчи ходимлар, ихтирочилик ва патентшунослик бўйича мутахассислар, полиграфчилар, электрон ҳисоблаш машинаси операторлари, шкалаларни текширувчи юрист; сут-гўшт ва совутиш саноати корхоналари ускуналарини созлаш ва монтаж қилиш бўйича, теплотехника ускуналари ва контрольўлчов асбоблари ҳамда автоматика бўйича газ пайвандчилар ва слесарлар; токарлар, катта техниклар ва техниклар, секретарь-машинистка

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй—Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОКШОМИ
23 АВГУСТ, 1973 й.

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ГОРКОМА КП УЗБЕКИСТАНА И ТАШГОРСОВЕТА

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, ДЗЕРЖИНСКИЙ КУЧАСИ, 15-УЙ,

ИНДЕКС 64579. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р—00741. Нашр В—2560.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор—33-02.49 дан 33-02-58 гача, Эълонлар бўлими—33.81-42.